



ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: КЕНГ ҚАМРОВЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 4 июнь куни амалий ташриф билан Санкт-Петербург шахрига келди.



“Пулково” халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари Денис Мантуров, шаҳар губернатори Александр Беглов ҳамда бошқа расмийлар кутиб олди.

Санкт-Петербург шахрига амалий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ҳамда мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланиётгани мамнуният билан қайд этилди. Йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 20 фоизга ошди.

Саноат, энергетика, металлургия, транспорт, кимё саноати ва иқтисодиётнинг бошқа устувор тармоқларида йирик лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда.

Товар айирбошлашдаги жорий суръатларни сақлаб қолиш, кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш ҳамда ҳудудлар даражасидаги фаол алоқаларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтиришга алоҳида

эътибор қаратилди. Шу кунларда Маринский театрида Георг Фридрих Генделлинг “Тамерлано” операсининг премьераси бўлиб ўтгани ҳамда “Эрмитаж” давлат музейида Ўзбекистон амалий санъати кўргазмаси очилгани қайд этилди.

Етакчилар бўлажак тадбирлар режасини ҳам муҳокама қилдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистонда интеграциялашган атом электр станциясининг биринчи энергия блокларини қуриш ишларига старт бердилар.

Маросимда телекўприк орқали Халқаро атом энергияси агентлиги (ХАЭА) бош директори Рафаэль Гросси ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Владимир Путин ва Рафаэль Гроссига ушбу лойиҳанинг рўйга чиқарилишини шахсан қўллаб-қувватлаганлари ва кўрсатилган эътибор учун миннатдорлик билдирди. Мамлакатимизда биринчи атом электр станциясини барпо этишда иштирок этаётган Ўзбекистон ва Россия мутахассисларига биргаликдаги сайёҳ-ҳаракатлар ва юксак профессионалик учун алоҳида ташаккур айтилди.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг технологик, индустриал ва илмий тараққиётида янги босқични бошлаб бериб, янги тармоқ — атом энергетикасини ривожлантириш учун асос яратиши қайд этилди. Лойиҳа кичик модулли атом генерацияси ҳамда йирик ҳажмли энергетика соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни ўзидан ажратиб қолган.

Ўзбекистон етакчиси хавфсизлик лойиҳанинг мулк ва сўз шарти эканини алоҳида таъкидлади. Станцияни қуриш ва уни эксплуатацияга тайёрлаш ишлари энг замонавий халқаро стандартлар, илгор муҳандислик ечимлари асосида ҳамда Халқаро атом энергияси агентлигининг доимий назорати остида бажариломоқда.

Ушбу улкан лойиҳанинг амалга оширилиши ва унинг натижалари Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлашга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

5 июнь куни давлатимиз раҳбари 29-Петербург халқаро иқтисодий форумининг асосий тадбирларида иштирок этиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ГОНКОНГ БИЛАН МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Сянган (Гонконг) махсус маъмурий ҳудуди Администрацияси раҳбари Ли Цзячао бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Мулоқот аввалида Ли Цзячао давлатимиз раҳбарига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини, шу жумладан, Гонконг билан ҳудудларо алмашинувлар ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш орқали янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Сўхбат чоғида сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва янги даврдаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари мисли кўрилмаган даражага кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Олий даражада эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда. Май ойида Пекин шахрида Ҳукуматларо комиссия йиғилиши ва Сянган шахрида учинчи Ҳудудларо форум муваффақиятли ўтказилди, Гонконгда иқтисодий форум ва саноат кўргазмаси бўлиб ўтди, Ўзбекистон савдо уйи очилди.

Ўзбекистон ҳудудларининг Гонконг билан иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш учун мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш муҳимлиги алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

АМАЛИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июнь куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Қирғиз Республикаси Президенти ва қардош халқини мамлакатнинг 2027-2028 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзоси этиб сайлангани муносабати билан самимий таъриқлади.

Ўзбекистон етакчиси мазкур муваффақият Қирғизистоннинг фаол ташқи сиёсати ҳамда минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга қўшаётган салмоқли ҳиссаси халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилаётганининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади.

Томонлар халқаро майдонда яқиндан мувофиқлаштирув ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга тайёр эканликларини тасдиқладилар.

ЎЗА

ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ЖАМҒАРМАНИНГ САККИЗИНЧИ АССАМБЛЕЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Ҳурматли ассамблея иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни, турли маданият ва цивилизацияларни, илм-фан ва амалий билимларни глобал кўламли Самарқанд шахрида самимий кутуб биз учун улкан шарафдир.

Бугунги йиғилиш 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит куни арафасида ўтаётгани алоҳида раъзи маънога эга. Шу муносабат билан анжуман иштирокчиларини ушбу муҳим сана билан чин дилдан таъриқлайман.

Барчангиз яхши хабардорсиз, бугунги кунда инсоният мисли кўрилмаган инқиришлар — иқлим ўзгариши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиб бориши, атроф-муҳит ифлослигини каби таҳдидларга дуч келмоқда.

Бу каби муаммоларни ҳал этишда Глобал экологик жамғарма алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда. 186 та давлатни бирлаштирган ушбу ноёб глобал ҳамкорлик платформаси ҳозирга қадар 170 миллиард АҚШ долларидан зиёд маблағни экологик лойиҳалар учун сафарбар этгани таҳсинга сазовордир.

Минг афсуски, иқлим ўзгариши оқибатида юзага келган ҳудудлар, ер деградацияси, музликларнинг эриши ва сув танқислиги Марказий Осиё учун асосий таҳдид бўлиб қолмоқда. Жаҳон банки таҳлилига кўра, минтақамизда қарийб 37 миллион киши сув танқислиги кучли бўлган ҳудудларда яшамоқда ва 2050 йилга бориб, бу кўрсаткич 75 миллионга етиши мумкин.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Янги Ўзбекистон мавжуд муаммолар қўламига қарамай, экологик трансформацияни янги тараққиёт модели сифатида кўрмоқда. Шу боис, биз тизимли лойиҳа бошқарувига ўтиб, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, биохилма-хиллик, чикиндиларни боқариш, кўкаламзорлаштириш, экологик таълим ва маданиятни қамраб олган бешта миллий лойиҳани амалга оширмоқдамиз.

Мазкур ташаббуслар доирасида 2030 йилга қадар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини республика ҳудудининг 21 фоизгача кенгайтириш, ҳавога зарарли ташламаларни 10,5 фоизга қисқартириш ҳамда ҳар бир ҳудудда дендрология ва ботаника боғларини ташкил этиш режалаштирилган.

Чикиндилардан энергия ишлаб чиқариш бўйича жорий йилда 2 та, келгуси икки йилда яна 9 та заводни ишга тушириш белгиланган, улар йилга 5,5 миллион тонна чикиндини қайта ишлаш орқали 1,1 миллион тонна иссиқхона газлари ташламаларини қисқартиришга ёрдам беради.

Мамлакатимизда экологик таълим ва илм-фаннинг янада экотизмини шакллантириш, “Green University” негизида 10 та илмий тадқиқот институти ва марказ ҳамда 14 та “яшил” техникум бирлаштирилди, қарийб 2 миллион ёшнинг экологик саводхонлигини ошириш жараёни бошлаб юборилди.

Биз ўтган асрда юз берган Орол фожиасига янгича ёндашиб, унинг оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи ҳудудини тиклаш, илм-фан ва инновациялар майдонига айлантириш йўлида 2 миллион гектардан ортиқ унумдорлигини йўқотган ерларни қайта тикламоқдамиз.

Минтақавий сайёҳ-ҳаракатларни бирлаштириш ва амалий ечимларни жорий этиш мақсадида “Есо Экспр Централ Азия” платформаси йўлга қўйилди, у ҳудудлар ва саноатдаги экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган лойиҳаларга молиявий ресурслар ва “яшил” ечимларни жалб этишга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларни ташкил этилган кўргазмага таклиф қиламан. Яшил лойиҳаларимиз манфаатли келишувларга асос бўлади деган умиддаман.

Қадри дўстлар! Албатта, иқлим ўзгаришининг тобора кучайиб бораётган салбий таъсири биздан тежкор амалий қадамларни талаб қилмоқда. Ассамблея доирасида бир қатор ташаббусларни илгари сурмоқчимиз ва уларни ҳаётга татбиқ

этишда Сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан. Самарқандни “Марказий Осиёнинг яшил инвестициялар ва инновациялар пойтахти” деб эълон қилишни тақлиф этамиз.

Биз Самарқандни минтақавий “яшил иқтисодиёт”, барқарор ривожланиш ва иқлим молияси марказига айлантиришни, шаҳарни пилот “яшил ҳудуд” сифатида ривожлантиришни ҳамда ушбу тажрибани кейинчалик республиканинг бошқа шаҳарларига ҳам татбиқ этишни мақсад қилганмиз.

Иккинчидан. Бундан 600 йил муқаддам Мирзо Улугбек Самарқандни илм-фан марказига айлантирган бўлса, бугунги кунда Колумбия университетининг Барқарор ривожланиш маркази ҳамкорлигида Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети қошида Улугбек номидаги Барқарор ривожланиш илмий-тадқиқот институти ташкил этилмоқда.

Институт ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини яшил ва барқарор ривожланиш асосида трансформация қилиш, халқаро илмий марказлар ва молия институтиларини жалб этиш бўйича етакчи илмий-таҳлилий платформа бўлиб, унинг стратегик бошқаруви эса Президент ҳузуридаги Васийлик кенгаши орқали амалга оширилади.

Учинчидан. Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига қарши самарали ечимлар ишлаб чиқиш мақсадида Иқлим ўзгариши ва гидрометеорология миллий маркази ташкил этилмоқда.

Марказ гидрометеорология, эрта огоҳлантириш, гляциология, иқлим таъсирини баҳолаш ва иссиқхона газлари мониторингини уйғунлаштириб, иқлим прогнозлари, моделлаштириш, мослашув ва митигация дастурлари, минтақавий ҳамкорлик ҳамда WMO GAW ва NASA AERONET дастурларида иштирок этиш учун институционал замин яратлади.

Тўртинчидан. Яқинда Қозғоғистон Президенти билан “Тоза ҳаво” давлатларо

консорциумини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди. Унинг фаолияти “яшил” молияни жалб этиш, ўрмон-мелиорация, илмий тадқиқотлар, саноатни экологик модернизация қилиш ҳамда мониторинг ва назоратни кучайтиришга қаратилган. Минтақанинг барча давлатларини Консорциум фаолиятига қўшилишига тақлиф этамиз.

Бешинчидан. Чўлланни қарши кураш институти негизида Оролбўйида чўлланни оқибатларини юмшатиш, “яшил” қалқонлар барпо этиш ва иқлим мослашувига қаратилган “чўл иқтисодиёти” ташаббусини илгари суриб, уни ГЭФнинг устувор йўналишлари билан ҳамроҳанг ҳолда халқаро молиявий ҳамда техник кўмак асосида амалга оширишни тақлиф этамиз.

Олтинчидан. 2027 йилги Тошкент инвестиция форуми “Барқарор ривожланиш ва яшил инвестициялар” мавзусида ўтказилди, унинг доирасида “Есо Экспр Централ Азия” халқаро кўргазмаси ташкил этилади.

Форумда ҳар бир ҳудуд яшил инвестицияларни жалб қилиш учун камидан 100 та истиқболли лойиҳани тайёрлаб, инвесторларга тақдим этади.

Яна бир муҳим ташаббусимизни эълон қилмоқчиман. Ўзбекистон Глобал экологик жамғарма донор мамлакатлари қаторига қўшилишига тайёр. Биз Жамғарма Кенгаши аъзоси сифатида қўшма минтақавий ташаббусларни амалий қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорликни кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Бугун ўз ишини бошлаётган мазкур Ассамблея экологик ҳамкорлигининг янги минтақавий архитектурасини шакллантиришда муҳим майдонга айланишига қатъий ишонман.

Анжуман ишига улкан муваффақиятлар, барчангизга янги ютуқлар ва омад, оилавий бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Учинчи Ренессанс пойдевори



ШУ БУЮК МИЛЛАТНИНГ УМИДИМАН МЕН!



КАМ ТАЪМИНЛАНГАНЛАРГА ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

Шарҳ

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси

Ўзбекистон — ижтимоий давлат. Ушбу принцип янги тахрирдаги Конституциямизда алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди. Ижтимоий давлатнинг бош мақсади ёшларга сифатли таълим бериши, аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиши, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлаш, кам таъминланганларни уй-жой билан таъминлашдан иборат. Шунингдек, аҳоли бандлиги, хавфсиз меҳнат шароити ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган давлат қурлишидир.

Ижтимоий давлат барпо этиш — Президентимизнинг энг олий мақсадларидан. Сўнги йилларда айнан ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, адолатли сиёсат юритиш, инсон ресурсларини ривожлантириш масалалари устувор вазифалар сифатида эътироф этилди. Янги тахрирдаги Конституция эса ушбу соҳадаги улкан ислохотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлади ва унда ижтимоий давлат принципи расман белгилаб қўйилди.

Янги тахрирдаги Конституцияга мувофиқ, ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади. Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларини ҳуқуқлари давлат ҳисобидадир.

Бундан ташқари, Асосий қонунида давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари турмуши сифатини ошириш, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратиш ҳамда муҳим ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш имкониятини кенгайтиришга қаратилган чоралар кўриши, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ҳамда

хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши, уларнинг ишга жойлашиши, таълим олишига кўмаклашиши, зарур ахборотни тўққинликсиз олиш имкониятини таъминлаши Конституция даражасида мустаҳкамланди.

Албатта, булар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий ва маънавий ҳимоя қилишга оид масалалар. Шу билан бирга, Конституциянинг 29-моддасида ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши, қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилиши ҳам белгиланган. Бу айнан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, яъни кам таъминланган фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатиш конституциявий даражада давлат томонидан кафолатланганини кўрсатади.

Шу ўринда кам таъминланган шахсларга ўз ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилишда малакали юридик ёрдам олиши учун ҳуқуқий асос сифатида 2023 йил 16 июнда “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Жорий йил 20 апрель куни Ўзбекистон Президенти “Кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонунни имзолади. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2024 йилда мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотида берилган таклиф ва тавсияларни амалга ошириш мақсадида Конституциявий суд томонидан ишлаб чиқилгани эътиборга молик. Ҳўш, ушбу қонунни ишлаб чиқишга қандай омиллар сабаб бўлди, унга зарурат нимада эди?

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 55-моддасида ҳар ким ўз ҳуқуқи ва эркинликларини қонуندا таъминлашга барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли экани, ҳар кимга ўз ҳуқуқи ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Бироқ барча фуқаролар бундай ҳолатда судга шикоят қилиш борасида зарур ҳуқуқий билимга эга бўлавермайди. Бундай ҳолларда фуқаролар ўз ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам олишга эҳтиёж сезади. Кам таъминланган шахслар эса ҳуқуқий ёрдам олиши учун зарур маблағга эга бўлмагани мумкин. Фуқаролар Конституциявий судга мурожаат қилиб, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида адвокат хизматидан фойдаланиш, ҳуқуқий ёрдам олишга эҳтиёж сезади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, шунингдек, янги тахрирдаги Конституцияда агар қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг фикрича, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ келмас ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланган ва судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, улар қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этишга ҳақли экани белгиланган.

Масалан, Конституциявий судга 2025 йилда 1844 та, 2026 йилнинг биринчи

чорагида 576 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 78 фоизи бўйича тушунтириш берилган ва 22 фоизи тааллуқлиги бўйича тегишли давлат органларига юборилган. Конституциявий судга келиб тушган мурожаатларнинг 91 фоизидан суд ваколатига тааллуқли бўлмаган масалалар кўтарилган. Ушбу мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ белгиланган тартибда ҳал этилган.

Утган йили келиб тушган мурожаатларнинг 262 таси бевосита Конституциявий суд ваколатига тегишли бўлиб, улар Конституциявий суд судьялари томонидан ўрганиб чиқилган ҳамда муаллифларга асосланган тушунтиришлар берилган.

Тахлилларга кўра, кам таъминланган шахслар Конституциявий судга мурожаат қилганда, уларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш амалдаги қонунда тартибга солинмаган эди.

Мазкур қонун билан белгиланган тартиб-таомиллар тўлиқ ёки қисман давлат ҳисобидан кўрсатиладиган, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган малакали юридик ёрдам кўрсатиши янада такомиллаштириши назарда тутлади.

Келгусида ушбу қонун амалда қўлланишидан қандай натижалар кутиш мумкин? Амалдаги қонунга киритилган қўшимчалар туфайли фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд орқали самарали ҳимоя этилади. Янги тахрирдаги Конституциянинг 55-моддасида белгиланган ҳуқуқ кафолатланади. Аҳолининг қонунларда бузилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш имконияти янада кенгайтирилади. Фуқароларнинг конституциявий одил судловга эришиш даражаси янада ошади, аҳолининг судларга ишончи мустаҳкамланади.

Энг муҳими, Конституциявий суд мувоқамасига киритилган масалаларни тайёрлаш ва кўриб чиқишда адвокатлар иштироки кенгайтирилади. Бу эса адвокатурани институтининг нуфузи ва аҳамияти янада ошишига хизмат қилади.

АМИН ҲАМРОЕВИЧ ТОЖИЕВ



Бутун ҳаёти ва меҳнат фаолиятини мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантиришга бағишлаган таниқли давлат ва жамоат арбоби, меҳнат фахрийси Амин Ҳамроевич Тожиев 2026 йил 4 июнь куни 79 ёшида вафот этди.

А.Тожиев 1947 йил 12 апрелда Тўрткўл туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти (ҳозирги Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети)ни муҳандис-механик мутахассислиги бўйича тамомлади. Меҳнат фаолиятини 1968 йил Тўрткўл туманидаги Ал-Хоразмий номидаги жамоа ҳўжалигининг техника хавфсизлиги муҳандиси сифатида бошлади. Кейинчалик Тўрткўл, Эллиққалъа, Амударё туманларида раҳбарлик лавозимларида ишлади.

Катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган А.Тожиев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши раиси, қишлоқ ҳўжалиги вазири,

Ўрмон ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси давлат агросаноат қўмитаси раисининг биринчи ўринбасари каби масъул лавозимларда фидокорона меҳнат қилди.

А.Тожиев ўзининг 50 йилдан зиёд меҳнат фаолияти давомида Оролбўйи минтақасидаги мураккаб шароитда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инфратузилма тармоқларини яратиш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш бўйича кўплаб ишларни амалга оширди.

Хусусан, сув танқислигини баргараф этиш мақсадида “Туямўйин — Нукус — Тахтақўпир” сўғориш тармоғи ва кўллаб ижтимоий ва маданий объектларни барпо этишда жонбошлик кўрсатди.

У нафақага чиққанидан кейин ҳам Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, экологик муҳитни яхшилаш, аҳоли учун қулай шароитлар яратиш, кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришга қаратилган лойиҳаларни рўёбга чиқариш, кекса авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга ўзининг бой ҳаётий билим ва тажрибасини бахш этди.

А.Тожиевнинг мамлакатимизни тараққий эттириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиват билан таърифланди. У “Эн-юрт хўрмати”, “Дўстлик” ва “Меҳнат шухрати” орденлари, “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган механизатор” фахрий унвони билан муқофотланган эди.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Амин Ҳамроевич Тожиевнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ,
А. АРИПОВ, А. ОРИНБАЕВ, Ф. ЭРМОНОВ, С. ТУРДИЕВ

МИЛЛИЙ ФУРУРИМИЗНИ ЮКСАЛТИРУВЧИ АСАРЛАР ЯРАТИШИМИЗ КЕРАК



Ёзнинг дастлабки кунлари давлатимиз раҳбарининг санъат ва маданият аҳли билан учрашувида иштирок этиш имкониятига эга бўлдим. Очиғини айтсам, бу шунчаки навбатдаги йиғилиш ёки расмий тадбир эмас, балки мамлакат етакчисининг ижодкорга, унинг дардига, ташвишига, орзу ва мақсадларига бўлган кўнглик муносабатини яна бир бор акс эттирган самимий мулоқот эди.

Биз кўпинча катта натижаларни кўрамай, аммо уларнинг ортида қандай меҳнат турганини ҳар доим ҳам ҳис қилавермаймиз. Учрашувда ҳаёлимдан бир фикр ўтди: бир вақтнинг ўзида давлат бошқарishi, мамлакат тараққиёти учун кечая кундуз меҳнат қилиш, ташқи ва ички сиёсат, иқтисодиёт, хавфсизлик, ижтимоий соҳалар қатори маданият ва маънавият масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратиш учун инсонда қанчалар куч-ғайрат, фидойилик бўлиши керак.

Учрашув жараёни мени беихтиёр ҳар кунги ижод, иш ва турмуш ташвишларини бир лаҳза четга суриб, атрофимизда кечаётган ўзгаришларга яна бир бор қалбан ва идрок билан назар ташлашга ундади. Қиёфаси кун сайин янгиланаётган шаҳар ва қишлоқларимиз... Инсонларнинг тобора фаровонлашиб бораётган турмуш тарзи... Сон-саноксиз меҳмонхоналар, замонавий масканлар, юртимизга қизикиб келаётган хорижий сайёҳлар... Спортдан тортиб, илм-фан, маданият ва иқтисодиётгача бўлган соҳалардаги ютуқларимиз... Чет эл мабуоти, сиёсатчилари ва халқроқ экспертларнинг ҳайрат билан Ўзбекистон ҳақида билдираётган ижобий фикрлари... Юртимиздаги ўзгаришлардан лол эканини яшира олмайётган сайёҳлар катта-кичик давлатларнинг раҳбарлари...



Музаффар ЭРКИНОВ,
кинорежиссёр

Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Лекин бир ҳақиқатни ҳам тан олиш керак: бу ютуқлар замирида юрти ва халқи тақдири учун тинимсиз меҳнат қилаётган, ўз ҳаловатидан кечаётган бир инсоннинг улкан иродаси ва масъулияти турганини англаймизми?

Ижод ва меҳнат фаолиятим давомида бир ҳақиқатни англаганман: хоҳ адабиёт бўлсин, хоҳ кино, хоҳ бошқа соҳа — буюк асарлар ва буюк шахслар кўп жиҳатдан давлатнинг биринчи раҳбари дунёқараш ва руҳияти билан боғлиқ бўлади.

Бу ҳақиқатни “Абдулла Орипов” фильминини ишлаш жараёнида янада чуқурроқ англаган эдим. Нега айнан ўтган асрнинг 60-йилларида Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Уткир Ҳошимов, Шукур Ҳолмиров заев каби улкан ижодкорлар бир вақтнинг ўзида етишиб чиқди? Нега айнан бир даврда “Ўзбекистон — Ватаним меним” каби халқ руҳини уйғотган асарлар яратилди? Менимча, бунга сабаб машҳур мустамлака тузум қатагонларидан кейин бошланган муайян маънадаги эркин нафас ва албатта, Шароф Рашидовнинг республика раҳбари сифатида миллат маънавиятига берган эътибори бўлган.

Бу жараён нафақат адабиётда, балки кинода ҳам яққол намоён бўлди. Миллий киномизга янги нафас олиб кирилди. Шуҳрат Аббосов, Али Ҳамроев, Элёр Эшмухаммедов каби йирик дарғалар майдонга чиқди.

Одамларга гапириш, раҳбарларни танқид қилиш осон. Салбий фикр тез омаллашади. Баъзан ўзимиз ҳам яхши нарсани кўришдан кўра, камчилик излашга мойилмиз. Аммо ҳақиқат шуки, 365 кун, ўн икки ой давомида халқнинг дарди, юртининг эртаси билан яшаб, унинг фаровонлиги учун тинимсиз меҳнат қилиш ҳар кимнинг ҳам кўлидан келмайди.

Бутунги тезкор замонда баъзан ёши улуг инсонлар эмас, ҳатто ёшлар ҳам тез чарчаб қолаётганини тан олиш керак. Аммо Президентимиз фаолиятига назар ташласак, биз унда чарчоқни эмас, аксинча, улкан масъулият, тинимсиз ҳаракат ва ғайратни кўраимиз.

Тарихий учрашув ҳам ерталабдан бошланиб, кечгача давом этди. Президентимиз сўзлашини истаган деярли ҳар бир ижодкорни диққат билан тинглади. Учрашувда нафақат соҳадаги ютуқлар, балки йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар, оғриқли масалалар ҳақида ҳам очик гапирди. Мени энг таъсирлантирган жиҳатлари шу бўлдики, давлатимиз раҳбари ҳар бир фикрини сабр билан эшитди, ҳар бир масалага алоҳида муносабат билдирди.

Учрашув яна анча давом этиши мумкин эди. Аммо Президентимиз йиғилишда иштирок этаётган ёши улуг санъат ва маданият фахрийларини ўйлаб, уларни узоқ вақт уринтириб қўймайлик кераклигини инобатга олиб мулоқотни яқунлашни таклиф қилди. Бу ҳам инсонга эътиборнинг яна бир кўриниши бўлди.

Учрашувда мен ҳам сўзга чиқдим. Ростини айтсам, саҳнада, камералар қаршида йиллар давомида бемалол гапириб келган инсон сифатида бундан олдинки керак: Президентимиз қаршида ҳаяжонланиб кетдим. Ҳатто нима деганимиз ҳам кейин яхши эслай олмадим.

Буюк инсон қаршида ҳар қандай одамни салобат босади.



Муносабат

“Ижод ва меҳнат фаолиятим давомида бир ҳақиқатни англаганман: хоҳ адабиёт бўлсин, хоҳ кино, хоҳ бошқа соҳа — буюк асарлар ва буюк шахслар кўп жиҳатдан давлатнинг биринчи раҳбари дунёқарашини руҳияти билан боғлиқ бўлади.

Лекин Президентимиз ҳаяжонини ҳис қилди, гапимни бўлмастан, аксинча, охиригача тинглаб, миллий кино ривожини учун давлат томонидан янада кенг имкониятлар яратилишини таъкидлади.

Яна бир жиҳат. Сўнги ўн йилликда айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси ва эътибори туфайли ўзбек киносида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Янги фильмлар яратилди, халқроқ фестивалларда иштирок этиш имкониятлари кенгайтирилди, миллий кинонинг нуфузи ошди.

Бироқ ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам кўп.

Учрашувнинг аҳамияти шунда эдики, унда муаммоларнинг фақат ташқи кўриниши эмас, балки уларнинг илди сабаблари муҳокама қилинди. Кино соҳасида ижодий эркинликни таъминлаш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, замонавий ва шаффоф тизим яратиш бўйича муҳим тўхтама қилинди.

Хусусан, миллий фильмларни халқроқ бозорларга олиб чиқиш мақсадида глобал кино платформалари билан ҳамкорлик қўйирилиши, “Ўзбекфильм”га миллий

мақом берилиши, давлат буюртмаси асосида яратилган фильмларда реклама ва тарғибот ҳаракатлари учун бюджетнинг 30 фоизгача маблағ ажратилиши, кинофильмлар ишлаб чиқувчилар барча солиқлардан озод этилиши, миллий кенгаши ва бадиий кенгашига тугатилиши ҳақидаги қарорлар кино соҳаси вакиллари томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди.

Чунки яхши фильмнинг тақдири фақат уни суратга олиш билан ҳал бўлмайди. Уни томошабинга етказиш ҳам санъатнинг бир қисми. Дунё тажрибаси кўрсатмоқдаки, кучли тарғибот фильм муваффақиятининг камида арминини таъминлайди.

Шунингдек, давлат буюртмаси асосида яратилган фильмлар намойишидан тушган маблағнинг бир қисми ижодий жамоаларни рағбатлантиришга йўналтирилиши ҳақидаги ташаббус ҳам соҳа учун муҳим янгилик бўлди.

Натижа узоқ куттирмади. Мулоқот давомида илгари сурилган ташаббус ва таклифларнинг аксарияти эртаси кун Президентимизнинг “Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ўз аксини топди. Бу соҳада бошланган ислохотлар янги босқичга чиққанидан дарак.

Президентимиз учрашув аввалида жуда муҳим фикрини айтди: “Давлатини иқтисодиёт кўтаради, қонун бошқаради, армия ҳимоя қилади. Лекин қайси мамлакат адабиёт ва маданиятга эътибор берса, келажак мустаҳкам бўлади”. Бу сўзлар ҳар бир ижодкор учун нафақат эътироф, балки катта масъулият ҳамдир.

Учрашувдан кейин бир нарсга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим: мамлакатимизда санъат ва маданият соҳасига қаратилган эътибор тасодифий эмас. Бу узоқни кўзлаб юритилган давлат сиёсати. Мулоқотдан сўнг кино, театр, musiқа ва умуман, маданият соҳасида янги давр бошланишига, ўзбек миллий санъати ва киноси янада юксак чўққиларни забт этишига ишончим янада мустаҳкамланди. Биз, ижодкорлар эса бу ишончга муносиб бўлишимиз, халқимиз ва Ватанимиз учун хизмат қилаётган, миллий гуруҳимизни юксалтирувчи асарлар яратишимиз керак.

Яна такрорлагим келяпти: ҳар қандай буюк асар, ҳар қандай ижодий юксалиш ортида давлат раҳбарининг маънавият ва маданиятга бўлган муносабати туради. Тарих ҳам бу ҳақиқатни кўп марта исботлаган. Зеро, давлат томонидан берилган эътибор ва ишонч ижодкорга, яъни ижодга қанот беради.



MILLIY KITOBXONLIK HARAKATI

Учинчи Уйғониш даврига пойдевор қўйиш иштиёқда яшаётган халқимиз учун Миллий китобхонлик ҳаракати мустақилликнинг 35 йиллик тўйи арафасида тортиқ этилган энг яхши совға бўлди.

ШУ БУЮК МИЛЛАТНИНГ УМИДИМАН МЕН!

Инсон бахтли яшаши учун Ватанини яхши кўриши керак! Бир қарашда баландпарвоздай эшитиладиган ушбу фикр замирида инкор этиб бўлмас ҳаётий ҳақиқат бор. Отамаконга муҳаббат замирида барча эзгуликлар мужассам. Юртини яхши кўрган киши ҳеч қачон шахсий манфаатларини биринчи ўринга қўймайди. Нафс измига юрмаган киши қалб хотиржамлигига эришади. Бунинг асоси Навоийнинг:

**Нафсинг агар халққа бешакдурур
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур,
деган ҳикмати билан ифодалаш мумкин.**



Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Президентимизнинг шу йил 25 май куни мамлакатимиз мактабларини битирувчи ўғил-қизларга йўллаган табригини ўқий туриб, хаёлимдан шу фикрлар ўтиб, кўз олдимга катта ҳаёт сари ошқабатган навқирон авлод келди. Айни пайтда ундан бир муддат олдинги яна бир муҳим воқеа — Миллий китобхонлик ҳаракати мустақилликнинг 35 йиллик тўйи арафасида тортиқ этилган энг яхши совға бўлди. Буларнинг барчасида қандайдир умумий кайфият, шунингдек жиддат бор, назаримда.

Жорий йил мактабларни 472 минг ўғил-қиз битириб, катта ҳаётга йўлланма олди. Бу 472 минг орзу, ана шунча ишонч ва таянч дегани! Салкам қирқ миллион нуфусли халқнинг ишончи, боболар макон тутган табаррук Ватан таянчи!

Уларни таянч дейишга тўла асосимиз бор. Масалан, бу йил биринчи марта 11 мингдан зиёд ўғил-қиз мактабни олтин ва кумуш медаллар билан тамомлади. Ҳали мактабни тугатмай туриб, юртимиз ва чет элдаги нуфузли олийгоҳларга қабул қилинган ёшлар ҳам талайгина. Улардан 171 нафари дунёнинг етакчи университетларига қабул қилинди. Мана шундай катта ютуқларга эришаётган ёшлар Ватанга хизмат қиладиган, унинг шайини кўтарадиган авлод бўлади-да!

Уларга қараб, шоир дўстимиз Зоҳиджон Оловнинг қуйидаги мисралари ёдга тушади:

*Томиримда оқар даҳолар қони,
Ким билмас Хоразмий, ибн Синони!
Тоғлардан баланддир шавқату шони
Шу буюк миллатнинг умидиман мен!*

Янги Ўзбекистон ёшлари мазкур мисраларни ширдек жўровоз бўлиб тақдорлаётгандай, назаримда. Ахир улар яна бир Уйғониш даврининг мустаҳкам пойдевори, элимиз умиди бўлиб улғаймоқда.

Албатта, ютуқлар замирида ислохотлар турибди. Мактабдаги дарсликлар таъминоти яхшиланиб, ўқитувчиларга имтиёз ва имкониятлар берилди. Олий таълимдаги қабул жараёнидан бошлаб илмий даражага бўлган барча босқичда қўлай муҳит яратилди. Булар жамиятда илм олишга рағбатни кучайтирди. Ҳа, кучли жамиятлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уни кучли шахслар яратди.

Масалан, Амир Темур бобомиз дунёнинг тўрт бурчидан ўз касбининг, ишнинг устаси бўлган шахсларни Самарқандга олиб келди. Илм-фан, маданиятга катта эътибор қаратди. Натияжада ана шу имкониятлар қаноти остида Иккинчи Уйғониш даврига асос солган авлод улғайди.

Янги Ўзбекистонда ҳам ҳоризоннинг энг илғор олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, юртимизда уларнинг филиали очилмоқда. Чет элдан тажрибали ўқитувчилар, умуман, барча соҳанинг етакчи мутахассислари жалб этиляпти. Лўнда қилиб айтганда, боболаримизнинг шони изидан замонамизга мос

тарзда ўз йўлимизни очяпмиз. Ана шундай муҳим паллада ёшларнинг илм-маърифат йўлида собитқадамлиги катта воқеа. Улар орасида ўзига хос пойга — ким катгароқ илмий ютуққа эришади деган мазмундаги соғлом рақобат кучайган. Мактабларнинг ўқувчилари фанлардан кўпроқ миллий сертификат олгани ҳақида хабарлар тез тарқалади. Ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам мазкур ютуқни бир-бирига етказиб, ўзлари ҳам шу даражага етиши керак эканини таъкидлайди. Инсон нима ҳақида кўп ўйласа, уни асли, тафаккури шундан иборат деган фикр бор. Жамият ҳам инсонга ўхшайди. Унинг қайси йўлдан кетаётганини кўриб, келажagini тахмин қилиш мумкин. Жамият танлаган йўл эса инсонлар орасида энг кўп муҳокама қилинаётган, қизиқиш билдириляётган мавзуларга қараб аниқланади. Бугун жамиятимизда энг кўп тилга олинаётган мавзу ўқитувчининг обрўсини ошириш, ёшлар таълими, соҳаларга сунъий интеллектни кенг жорий этишидир. Мамлакатимиз етакчилари барча соҳа, ҳатто иқтисодий кўрсаткичларнинг таҳлили жараёнида ҳам таълим, хусусан, ўқитувчининг обрўси ҳақида тўхталиб ўтади. Мазкур омилнинг ўзбекча йўли Ўзбекистонни бунёд эттишда илм-маърифат йўли танлангани, бу борадаги ислохотлар орта қайтмас тус олганини аниқлатади.

Шу ўринда яқин тарихимизни эсламоқчи эдим. Бугун қирқ ёшнинг нари-берисида бўлган бизнинг авлод мактабга борганида таълимда тарқоқлик бошланган эди. Ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари сабаб соҳада чинакам фидойилар ва бошқа иш қўлидан келмайдиган кадрларгина қолганди. Кейинчалик фидойилар сафи сийрақлашиб, таърибасиз кадрлар сафи кенгайиб борди. Йил сайин ўқитувчининг обрўси тушар, бунинг ўзига хос сабаблари бор эди.



Ўқитувчилар ўқув йилининг ярмидан кўпини пахта даласида ўтказарди. Чопиқ пайтда кетмон кўтариб далага чиқар, ҳосил етилган “план” бажарилмагунча мактабга яқин йўламасди. Пахта режаси эса устма-уст қўшиб борилар, охир-оқибат совуқ кунларгина фермерларга мажбурийат юклашни тўхтатарди. Шунинг ўзиде алоҳида катта мавзу!

Ўқитувчилар ёзги таътилда мактабни таъмирлашда усталар қатори ишлар ёки уларнинг меҳнати учун чўнтагидан ҳақ тўларди. Айни жараён ўқувчи ва устозлар ўртасида ўзига хос “олди-берди”ни шакллантирганди. Ўқитувчилар теккин ишчи кучи сифатида кўрилгани камдек, маоши ҳам оз эди. Улар шунда ҳам ишлашга рози бўларди. Бу фавқулодда фидойилик эмас, мажбурийат ҳосиласи эди. Чунки улар бошқа иш топа олмасди. Шу боис, йиллар давомида мактабда эркак ўқитувчи деярли қолмади.

Вазият йил сайин ёмонлашиб бораверди. Оқибатда жамиятда таълимга иштиёқ сўнди. Ҳатто қўшиқларга олинган клипларда, киноларда бир оз бўшанг ва нўноқ қаҳрамон қўлида китоб ва уни ўқийвериш кўз нуруни йўқотган шахс сифатида

кўрсатила бошланди. Кучли ва бахтли қаҳрамонлар эса доим қиммат машинада юрадиган, бизнеси бор пўрим йигитлар бўларди. Ана шу тенденция жамиятда икки хил стандарт шаклланишига олиб келди. Бир томондан биз китоб ўқиган аноийларнинг устидан кулардик. Бизнесмен, бойларни қаҳрамон деб билардик. Аммо ўзаро гурунларда ҳалол тадбиркорга ҳам панжа орасидан қараб, “Бир балоси бўлмаса, шунча пулни қаердан топади? Топганича ҳаром аралашган”, дердик. Чунки ҳалол ишлаб бойишга ишонч йўқ эди. Шу боис, бойларга ҳавас билан қараб, айни дамда улардан нафратланардик. Бу иллат жамиятнинг катта қисмида илдириб отган эди. Бугун кўриб турибмиз: ҳалол ишлаб ҳам бой бўлиш мумкин экан. Бунинг учун тадбиркор билим олиши, китоб ўқиши керак экан. Жамиятда кимнинг қандай бойганини ғийбат қилмай, китобхонлик, тадбиркор-

кўшқўллаб тортиқ этилган домла ўн-ўн икки чақирим наридаги чекка қишлоқ мактабда ҳам дарс ўтарди. Қору ёмғирда ҳам дарсни қолдирмай, шунча масофага велосипедда қатнардди. Чунки болалар ўқиб дунёни олиб беришга, бу ҳақиқат қачондир барибир юзига чиқишига ишонарди. Назаримда, бу ишонч ватанпарварликдан қувват оларди.

Ўқитувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқи тикланиб, мажбурий меҳнатдан озод этилиши мана шу қувватга янги куч берди. Муҳими, зиёлига, китобхонларга муносабат тубдан ўзгарди. Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг илк қадамлари ёшларни китобга дўст қилиш, мамлакатни китобхон жамиятга айлантиришга қаратилган қатъий қадамлар билан бошланди. Очiq гап, ўшанда китоб ўқиб, қимматбахшо совғани Президент номидан олиш мумкин эканини тасаввуримизга сиғдириш қийин кечганди. Амалий савий-ҳаракатлар бошлангач, жамиятда бу таловнинг адолатли бўлишига шубҳа билан қараганлар ҳам учрар эди. Аммо энг яхши китобхон ёшлар оддий оилаларнинг фарзандлари экани аниқланиб, уларга машина совға қилинган, қарашлар буткул ўзгарди. Халқимиз орасида ушбу танлов сийсий имиж учун эса, ҳақиқатан, жамиятни илм-маърифатга чорлаш, юрдошларимизни китобга ошно қилиш учун бошлангани ҳақиқи ривожда эътироф этилди.

2017 йилдан бунён ўтказиб келинаётган “Ёш китобхон” танлови миллионлаб ёшларни китобга яқинлаштирди. Улар орасида ким кўп китоб ўқиб, ўққанларини баён қилиб бера олади деган соғлом рақобат пайдо бўлди. “Ёш китобхон оила” танлови эса мутлола муҳитини ҳар бир хонадонга олиб киришга хизмат қилляпти. Бундай оилада дунёга келган гўдаклар оламни китоб ўқибётган ота-онасининг нигоҳи ила идрок этиляпти. Энг катта натижа шу, аслида. Лекин олдимизга улкан мақсадлар қўйганмиз. Ҳаракатларимиз, танлаган йўлимиз ҳам шунга яраша бўлиши керак. Шу маънода, Ўзбекистонда китобхонликни ривожлантириш бўйича умуммиллий ҳаракатга янги сарҳида очди.

Президентимизнинг “Ёшлар орасида китобхонлик дастурини кенг жорий этиш ва уларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармойишига кўра, 2026 йилдан ҳар йили умумтаълим мактабларида ўқибётган ёшларнинг китоб ўқишига қизиқишини қўллаб-қувватлашга қаратилган миллий китобхонлик ҳаракати ўтказилади. Ушбу дастур ҳар йили 3 босқичда амалга оширилади. Яъни 1-босқич “kitobxonlikharakati.uz” электрон платформасида рўйхатдан ўтган ҳолда онлайн, 2-ва 3-босқичлар эса бевосита иштирок этиш форматига вилоят ва республика даражасида уюштирилади. Мазкур танлов 3 та ёш тоифасида бўлади. Дастурнинг умумий йиллик мукофот фонди 240 минг долларни ташкил этади.

Ғолиблар ҳам шунга муносиб тарзда тақдирланади. Юқори синф (6-8-синф, 9-11-синф) тоифалари бўйича 1-ўринни эгаллаган 2 ғолибнинг ҳар бири 50 минг доллар пул мукофоти ва диплом билан мукофотланади. Худди шунингдек, 2-ўринга



Жорий йил мактабларни 472 минг ўғил-қиз битириб, катта ҳаётга йўлланма олди. Бу 472 минг орзу, ана шунча ишонч ва таянч дегани! Салкам қирқ миллион нуфусли халқнинг ишончи, боболар макон тутган табаррук Ватан таянчи!

муносиб кўрилган бир жуфт совриндорнинг ҳар бири 30 минг доллар пулни қўлга киритади. Учинчи ўринни олган 2 совриндорнинг ҳар бирига 15 минг доллар берилади. Яна бир муҳим факт: 5 та қўшимча номинация бўйича совриндорларнинг ҳар бирига 10 минг доллардан тақдим этилади.

Ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга бундай катта сармоя киритиш ҳозирги геосийсий ҳароғатда иқтисодий синовлар даврида осон эмас! Халқаро майдондаги вазиятни таҳлил қилиб, унинг иқтисодий оқибатларидан озгина хабардор киши ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бунинг асоси, ёшлар теран аниқлаш, шунга муносиб ҳаракатланиши керак. Уларга аниқлаш, тўғри тушунириши эса биз, катталарнинг Ватан олдидаги бурчимиздир. Чунки мамлакатимиз етакчилиги ушбу дастурни шунчаки китоб ўқиш муСОБАҚАСИ эмас, балки Ватанимиз келажак учун стратегик инвестиция сифатида қабул қилди. Айни ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз.

Биз тенги авлоднинг катта қисми мактабнинг юқори синфига ўтмагунча мобил телефон нима эканини билмасди. Ўша замонларда робот, дунёни бошқаришга қодир улкан компьютер тизими (биз уни бугун сунъий интеллект деб атаймиз) ақл бовар қилмас ҳолат эди. Уни фақат хорижий фантастик киноларида кўрардик. Орадан 30 йилдан кам вақт ўтган бир паллада афсоналар ҳақиқатга айланди. Ҳозир



сунъий идрок меҳнат бозорига инсон учун энг биринчи ўриндаги рақобатчи бўлиб эди. Ушбу ҳолатни ортиқча таърифлаш шарт эмас, назаримда. Демократизми, мана шундай рақобат даврида мамлакатлар сунъий интеллектнинг фойдалана оладиган эмас, уни бошқаришни биладиган кадрларга эҳтиёж сезади. Техник тараққиёт юксалиб боргани сари ушбу эҳтиёж ҳам кучаяверади. Шу маънода, бутунги ёшлар меҳнат бозорига кучли рақобатга шай бўлиши керак. Унга бардошли бўлишнинг йўлини ҳам аждодларимиз кўрсатиб кетган. Маърифатпарвар боболаримиз “Илмдан бошқа нажот йўқ”, деган. Янги Ўзбе-

кстонда илм-фанга, маърифатга ҳозир жиддий эътибор қаратиляётганининг туб муҳияти ҳам шунда.

Ҳа, ислохотлар айнан мана шу руҳда бошланган эди. Энди у янги босқичда, давр руҳига муносиб тарзда давом эттирилмоқда. Миллий китобхонлик ҳаракати ана шу йўлдаги энг катта ва муҳим қадамлардан бўлди. Президентимиз айтгани каби: “Китоб ўқийдиган одам теран ва соғлом фикрлайди. Бундай тафаккурга эга инсон эса жамиятни ўзгартира олади”.

Содда қилиб айтганда, ўзликни аниқлаш, Ватанимизга, халқимизга муносиб авлод бўлиш йўлидаги миллий ҳаракат бошланди. Унга ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшишимиз керак. Фарзандларимиз ўқиб-ўрганиши учун шароит яратиш беришимиз, орзуларига йўл очиб, оилада рағбатлантириш туриш зарур. Бу меҳнат, фидойилик талаб қилади. Шу боис, бу борадаги ҳиссамиз қанчалик ватанпарвар эканимизни белгилаб беради. Зотан, бахтли яшашимиз юртсеварлигимизга боғлиқ. Айни ҳақиқат аслар оша бизгача етиб келган китобларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, “Авесто”да меҳнатсеварлик мадҳ этилган. Шу билан бирга, ёлғончилардан узоқ юриш тавсия этилади. Мазкур омиллар орқали фарзанд тарбияси кўрсатиб берилади. Ҳа, ҳаётнинг ҳеч ўзгармас қоидалари бор. Уларга амал қилиш шахс, жамият иқболини юксакка кўтарди. Ана шундай ўзгармас қоидалар — устозларнинг юксак обрўсига пугур етказмаслик, ёшларнинг илм-фанда илгор бўлиши ва маърифат маёғини балад кўтаришидир!

Шу ўринда яна бир ҳаётий фактни айтиб ўтмоқчиман. Бир синфда 27 ўқувчи ўқиганми. Мактабни тугатганимиздан кейинги тўрт йилликда синфдошлар орасида фақат ушбу кишига олий таълимда ўқшни давом эттириш насиб этди. Қолган 25 нафаримиз эса иш топшишимиз, тирикчилик йўлини излашимиз керак эди. Синфдошларимдан икки нафари 11 йиллик таълимдан кейин касб-хунар коллежиди ўқиди. Аммо ўз йўналишида деярли ишламади. Ишлаш олмади. Чунки таълимдаги оқсоқликлар сабаб улар дафт сифатида талабга жавоб бермасди. Бугун таълимнинг ушбу йўналиши ҳам тубдан янгиланди. Ҳозир техникумларни ўз касбининг устаси бўлган, назария ва амалиётни биргаликда ўзлаштирган мутахассислар тамомламоқда. Муҳими, уларнинг иш бошлаши учун ҳам қатор имтиёзлар берилган.

Ушанда бизнинг ўқишга қабул қилинган ёшларимизнинг ҳеч кимни қизиқтирган эмас. Ўтган ўн йилда бу ёндашув ҳам тубдан ўзгарди. Ҳар бир ёшнинг масала уйма-уй юриб ўрганиладиган бўлди, таълимга, касб-хунарга йўналтириладиган тизим йўлга қўйилди. Айни пайтда таълимдаги янгиликлар сабаб мактаб ўқувчилари муддатидан олдин талаба бўляпти.

Боз устига тадбиркор бўлишни истайдиган ёшлар учун банклар жорий йил 25 триллион сўм паст фонзли кредит таклиф этиляпти. Стартап лойиҳаларини бошлаган битирувчиларга эса 100 миллион доллар маблағ ажратилган. Муҳими, йирик АТ

компаниялари ҳар йили камиди 50 минг битирувчини сунъий интеллект бўйича ўқитиб, юқори даромадли ишга жойлаштиришга тайёр экани айтилди. Бу давр билан ҳамдамлиқ, меҳнат бозоридagi рақобатда етакчилик қилиш дегани!

Шу каби қувончли муждалар фондида ҳар қандай киши мактабни тамомлаган навқирон авлодга қараб ҳавас қилади. Ана шу ҳавасни сезган йигит-қизлар фахр билан қуйидаги мисраларни тақдорлаётгандек:
*Менга ёрди омад, мен билан иқбол,
Хали етти иқлим қолар ҳайрон, лол,
Эй дунё! Борялман, мени қарши ол,
Шу буюк миллатнинг умидиман мен!*

Хар йили 5 июнь санаси дунёда Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу сана БМТнинг 1972 йилда Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтган Инсон атроф-муҳити бўйича конференцияси қарорлари асосида таъсис этилган бўлиб, бугунги кунда глобал экологик муаммоларга эътибор қаратишнинг энг муҳим халқаро платформаларидан биридир.

5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

ҲАР БИР ИНСОННИНГ ҲАЁТИЙ МАСЪУЛИЯТИ



Авазбек ХОЛБЕКОВ,
Барқарор ривожланиш маркази бўлим бошлиғи

Сўнгги ўн йилликларда инсоният тарихида мисли қўйилмаган экологик босимлар билан юзма-юз келмоқда. Иқлим ўзгариши, ҳаво ва сув ифлосланиши, чўлланиш, биохилма-хиллик қисқариши ҳамда табиий ресурсларнинг изчил камайиб бориши нафақат табиатга, балки иқтисодий тараққиёт, инсон саломатлиги ва глобал хавфсизликка ҳам жиддий таҳдид солмоқда.

Бугун экологик муаммолар алоҳида бир давлат ёки минтақа доирасида эмас, балки умуминсоний хавф даражасига чиққан. Шу маънода, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи энди фақат экологлар ёки мутахассислар эмас, балки ҳар бир инсоннинг ҳаётий масъулиятига айланиб бормоқда.

Ўрмонлар Ер сайёраси экологик мувозанатининг асосий устунларидан биридир. Бугун дунё кўруқлик ҳудудларини қарийб 31 фоизи ўрмонлар билан қопланган бўлиб, айнан шу ҳудудларда сайёрадаги биохилма-хилликнинг 80 фоиздан ортиғи жамланган.

Ўрмонлар атмосферадаги углеродни ютиш орқали иқлим ўзгаришини секинлаштирувчи энг муҳим табиий механизм вазифасини бажаради. Таҳлилларга кўра, ўрмонлар Ер атмосферасига нисбатан кўпроқ микдорда углерод сақлайди.

Бугунги кунда дунёда 1,6 миллиарддан ортиқ инсоннинг ҳаёти, даромади ва кундалик турмуши бевосита ўрмон билан боғлиқ. Шунингдек, қарийб 2 миллиард киши, яъни Ер шарии аҳолисининг тўртдан бири қисми ҳали ҳам овқат тайёрлаш ва иситиш учун ёғоч ёқилгисидан фойдаланади.

Ўрмонлар ҳавони тозалаш, сув манбаларини муҳофаза қилиш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш ва иқлим мувозанатини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, улар миллионлаб тирик организм учун табиий яшаш муҳитини таъминлайди.

Инсон саломатлиги ҳам бевосита табиий экотизимлар ҳолатига боғлиқ. Хусусан, янги юқумли касалликларнинг 75 фоизи табиий ландшафтлар, айниқса, ўрмонлар йўқ қилиниши натижасида юзага келаётгани жиддий хавотир уйғотмоқда.

Бугун глобал миқёсда ўрмонлар жиддий хавфларга дуч келмоқда. Хар йили дунё бўйлаб 10 миллион гектар ўрмон майдони йўқолмоқда. Бу қарийб Корея Республикаси ҳудудига тенг дегани.

Ўрмонларга бугунги кунда қатор жиддий экологик ва антропоген омиллар таҳдид солмоқда. Хусусан, ноқонуний дарахт кесил, ўрмон ёнғинлари, ҳаво ва тупроқ ифлосланиши, зараркунандалар тарқалиши, иқлим ўзгариши, кўроқчилик ҳамда кучли бўронлар ўрмон экотизимларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада биохилма-хиллик қисқариб, табиий экотизимлар мувозанати издан чиқмоқда. Глобал ҳарорат ортиши ва экстремал об-ҳаво ҳождисалари кўпайиши табиий экотизимларга босимни янада кучайтирмоқда.

Халқаро экспертлар ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда дунёда деградатацияга учраган 2 миллиард гектардан ортиқ ер майдонини қайта тиклаш имконияти мавжуд. Ўрмонларни қайта тиклаш нафақат иқлим ўзгаришига қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади, балки янги иш ўринлари яратиш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш, сув ҳавзаларини муҳофазалаш ҳамда биохилма-хилликни сақлаб қолишга ҳам хизмат қилади.

Глобал ҳароратнинг ошиши натижасида дунёда кўроқчилик, сув танқислиги, табиий офатлар ва озик-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ хавфлар кучаймоқда. Айниқса, Марказий Осиё минтақаси иқлим ўзгариши таъсирига энг сезгир ҳудудлардан бири сифатида баҳоланмоқда.

Ўзбекистон учун ҳам экологик барқарорлик масаласи стратегик аҳамият касб этади. Орол денгизи фожиаси, сув ресурслари



Энергетика вазирлиги маълумотларига кўра, 2026 йил май ҳолатига юртимиздаги қуёш ва шамол электр станциялари томонидан йил бошидан буён жами 4 миллиард кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Шундан 2 миллиард 315 миллион кВт. соат қуёш фотозлектр станциялари, 1 миллиард 685 миллион кВт. соат эса шамол электр станциялари ҳиссасига тўғри келади.

тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши ва чўлланиш жараёнлари мамлакатнинг экологик хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда ҳаво ҳарорати ортиши, сув ресурслари ҳажми қисқариши ҳамда экологик юкларга кучайиши қишлоқ хўжалиги, аҳоли саломатлиги ва иқтисодий самарадорликка бевосита таъсир этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига мослашиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Экологик муаммоларни ҳал этишда комплекс ёндашув асосида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, “яшил” энергетика лойиҳаларини кенгайтириш,

кўкаламзорлаштиришни кучайтириш, чиқиндиларни бошқариш тизимини модернизациялаш, сув ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда аҳолининг экологик маданиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Хусусан, “яшил” энергия улуши 30 фоиздан ошди, бунда қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш ва қувватларини кенгайтириш бўйича йirik инвестиция лойиҳалари нафақат энергетик хавфсизликни мустаҳкамлаш, балки экологик барқарорликни таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Энергетика вазирлиги маълумотларига кўра, 2026 йил май ҳолатига юртимиздаги қуёш ва шамол электр станциялари томонидан йил бошидан буён жами 4 миллиард кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Шундан 2 миллиард 315 миллион кВт. соат қуёш фотозлектр станциялари, 1 миллиард 685 миллион кВт. соат эса шамол электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич 2025 йилнинг мос давридаги нисбатан 898 миллион кВт. соат ёки қарийб 29 фоз кўп демасди.

Мазкур ҳажмдаги “яшил” энергия ишлаб чиқарилиши натижасида 1 миллиард 66 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинди ҳамда атмосферага 2,3 миллион тонна зарарли моддалар чиқарилишининг олди олинди. Бу эса углерод изини қисқартириш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажаришда муҳим омил бўлган.

“Яшил макон” умумийлиги лойиҳаси экологик барқарорликни таъминлаш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишга қаратилган энг йirik экологик ташаббуслардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лойиҳа доирасида республика бўйлаб кенг қўламли кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилиб, шаҳар ва қишлоқларда миллионлаб туп дарахт ва бутта экниш ишлари давом эттирилмоқда.

Бугунга қадар республика бўйлаб 981,7 миллион туп, жами 259 турдаги дарахт ва бутта қўчати экилди. Оролбўйи ҳудудидега саксовулзорлар барпо этиш ишлари халқаро миқёсда ҳам эътиборга эришди. Расмий маълумотларга кўра, Орол денгизининг қуриган тубида қарийб 2 миллион гектар майдонда ўрмонзорлар яратилган. Бу эса қум ва туз кўчишининг олдини олиш, ҳаво сифати ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга замин бўлмоқда.

Кўкаламзорлаштириш ҳаводаги чанг ва зарарли моддалар микдорини камайтириш, шаҳарларда микроклимни яхшилаш, ҳаво ҳароратини пайсантириш, углерод чиқиндиларини ютиш ҳамда чўлланиш жараёнларини секинлаштириш каби муҳим экологик вазифаларни бажаради. Шу маънода, “Яшил макон” умумийлиги лойиҳаси нафақат экологик муҳитни яхшилаш, балки аҳолининг экологик маданиятини ошириш ва келажак авлод учун соғлом яшаш муҳитини шакллантиришга хизмат қилаётган стратегик ташаббус сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда иқлим ўзгариши, сув ресурслари танқислиги, ҳаво ифлосланиши ва чиқиндилар ҳажми ортиши каби глобал муаммоларнинг кўп қисми инсон фаолияти натижасида юзага келмоқда. Шу боис, экологик муаммолар ечимини ҳам инсоннинг умумсабати ва ҳулқ-атворидан бошланади. Бир қарашда оддий туюладиган сувни тежаб

ишлатиш, электр энергиясини ортиқча сарфламамаслик, бир марталик пластик маҳсулотлардан камроқ фойдаланиш, чиқиндиларни саралаш ёки дарахт экиш каби амалий ҳаракатлар умумий ҳисобда экологик барқарорликка катта ҳисса қўшади.

Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, хар йили дунё бўйича 400 миллион тоннадан ортиқ пластик чиқинди ҳосил бўлади ва унинг катта қисми қайта ишланмасдан атроф-муҳитга ташланади. Натижада пластик чиқиндилар дарёлар, кўллар ва океанларни ифлослантириб, минглаб ҳайвонот ва ўсимлик турларининг яшаш муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда экологик маданиятни юксалтириш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Сўнгги йилларда мактаблар, олий таълим муассасалари ва маҳалларда экологик таълимни кучайтириш, аҳоли ўртасида экологик тарғиботни кенгайтириш, кўкаламзорлаштириш акциялари ўтказиш ҳамда чиқиндиларни саралаш маданиятини шакллантиришга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Экспертларнинг таъкидлашича, экологик таълимни эрта ёшдан бошлаш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки табиатга эҳтиёткор муносабат, ресурсларни тежаш ва экологик масъулият каби қадриятлар болаликдан шаклланиб, келажакда экологик онги юқори бўлган жамиятни барпо этиш имконияти ортади. Шу нуқтан назардан, таълим муассасаларида экологик лойиҳаларни кенгайтириш, амалий экологик лойиҳаларни қўлайтириш ва ёшларнинг табиат муҳофазасига оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фақат давлат идоралари ёки экологик ташкилотларнинг вазифаси эмас. Табиатни асраш ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаёт тарзи, шахсий масъулияти ва фуқаролик бурчини айланishi лозим. Чунки барқарор келажак, соғлом экологик муҳит ва келгуси авлод фаровонлиги айнан бугун қабул қилинаётган қарорлар ва шакллантирилаётган экологик маданиятга боғлиқ. Бу ҳақиқат Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунининг асосий гоиси ва инсоният олдида турган энг муҳим вазифалардан бирини аниқлатади.

Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини — шунчаки экологик сана эмас. Бу инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаш, келажак авлод олдидаги масъулиятни англаш ва барқарор тараққиёт сари интилиш рамизидир.

Табиат инсонга тегишли эмас, балки инсон табиатнинг бири қисmidir. Шу боис, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш ҳар бир давлат, ҳар бир жамият ва ҳар бир инсоннинг умумий вазифаси ҳисобланади.



Бугунги глобаллашув жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласи давлатлар олдидаги муҳим стратегик вазифалардан бирига айланмоқда. Иқлим ўзгариши, ҳаво ифлосланиши, сув танқислиги ва биохилма-хилликнинг камайиши каби муаммолар экологик бошқарув тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Экологик экспертиза институтининг ўтган йилларда шакланган ҳуқуқий асослари бугунги глобаллашув жараёни талабларига мутлақо жавоб бераётгани аҳоли пунктларида юзага келган экологик ҳолатларда яққол намойён бўлмоқда. Шу нуқтан назардан, экологик баҳолаш тизимига замонавий халқаро механизмларни жорий этиш экологик сиёсатнинг асосий мақсади этиб белгиланди.

Экологик баҳолаш янги лойиҳалар, ишлаб чиқариш объектлари ёки инфратузилма дастурларининг атроф-муҳитга таъсирини олдиндан аниқлаш ва баҳолаш имконини беради. Ривожланган давлатлар тажрибасида мазкур тизим экологик хавфларни камайтириш, инвестиция лойиҳаларининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштирокисини кучайтиришда самарали восита сифатида қўлланмоқда.

Замонавий халқаро механизмлар орасида атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш тизими алоҳида ўрин тутаяди. Ушбу механизм Европа

ЭКОЛОГИК БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

У қай тартибда ва нимага асосан ўтказилади?



Ғайрат МУҲАММЕДОВ,
Давлат экологик экспертизаси маркази бош директори

Иттифоқи, АҚШ, Япония ва бошқа қатор давлатларда кенг жорий этилган бўлиб, ҳар қандай лойиҳа амалга оширилишидан олдин унинг экологик оқибатлари чуқур таҳлил қилинади. Бу эса табиатга зарар етказиши мумкин бўлган қарорларнинг олдини олиш имконини беради.

Стратегик экологик баҳолаш тизими ҳам муҳим халқаро механизмдир. У нафақат алоҳида лойиҳаларни, балки давлат дастурлари, ҳудудий режалар ва иқтисодий стратегиялар ҳамда шаҳарсозлик лойиҳаларининг экологик таъсирини баҳолаш имконини беради. Бу орқали узоқ муддатли ривожланишда экологик барқарорлик таъминланади.

Экологик баҳолаш тизимига рақамли технологияларни жорий этиш ҳам замон талаби. Халқаро амалиётда геохаборот тизимлари, сунъий интеллект ва онлайн мониторинг платформаларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу технологиялар экологик маълумотларни тезкор йиғиш, таҳлил ва қарор қабул қилиш жараёнини самарали ташкил этишда қўл келади.

Халқаро амалиётга кўра, экологик баҳолаш институтида аҳоли фикри экологик низоларнинг олдини олиш ва қарорларнинг очиқлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис, жамоатчилик экологик экспертизаси, жамоатчилик эшитувлари институтиларини ривожлантириш муҳим вазифалардан.

Бугунги глобаллашув жараёнида мамлакатимизда экологик экспертиза ўтказишнинг ҳуқуқий асослари халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадигани сабаб 2025 йилда амалдаги “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар



Маҳкамасининг 2026 йил 11 майдаги “Атроф-муҳитга таъсирини баҳолашнинг янги механизмларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарор лойиҳаси билан янги таҳрирда қабул қилинган қонун ижросини таъминлашга йўналтирилган қатор тартиблар, хусусан, давлат экологик экспертизасини ўтказиш ҳамда атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш тартиблари тасдиқланди.

Ушбу жараёнда амалда 4 тоифага бўлинган экологик экспертиза объектлари биттага қисқартирилмоқда. Бу, ўз навбатида, атроф-муҳитга таъсирини каминглаб кичик бизнес вакилларининг экологик экспертизаси жараёнига тортимаслик имкониятини беради. Объектларнинг тармоқлар кесимида берилиши эса ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги чалқашликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Давлат экологик экспертизасини ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириш тартибининг белгиланиши давлат экологик экспертиза бўлиқсининг шаффофлигини таъминлайди. Шунингдек, экологик экспертиза субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экологик хулосалар бўйича муаммолар масалаларни коллегиал ҳал этиш институтилари, атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш материаллари ва экологик нормативларни ишлаб чиқишда халқаро ҳужжатлар, хусусан, Париж келишуви, Базель, Биохилма-хиллик конвенциялари доирасида олинган мажбуриятлар ижросига йўналтирилган ҳуқуқий асослар жорий этилмоқда.

Жамоатчилик эшитувларини ўтказиш ҳамда жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш тартиблари ишлаб чиқилгани экологик қарорлар қабул қилишда демократик

қадриятга устуллик берадиган муҳим ҳужжат сифатида эътироф этилади. Мазкур ҳужжатлар Орхус конвенцияси доирасида олинган мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Шунингдек, лойиҳачилар фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг рейтингини юритиш ҳамда малака сертификатининг бериш тартиблари, лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг фаолиятини ташкил этиш, уларнинг иш самарадорлигини ва ишлаб чиқилган ҳужжатлар сифатини баҳолаш мақсадида уларнинг рейтингини юритиш, шунингдек, лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотларда фаолият юритаётган ходимларга қўйилган талаблар, улarga малака сертификатини бериш тартиби белгиланмоқда.

Экологик баҳолаш тизимида стратегик экологик баҳолаш халқаро амалиётнинг устувор тадбирларидан. Стратегик экологик баҳолаш бўйича экологик маърузани тайёрлаш ва унинг сифатини баҳолаш тартиби, ўз навбатида, давлат дастурлари, концепциялари ва шаҳарсозлик ҳужжатлари каби стратегик ҳужжатларнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Давлат экологик экспертизаси органлари томонидан биринчи 2025 йилда 49 минг 620 та экологик экспертиза хулосаси берилган. Шундан 700 га яқин лойиҳа экологик талабларга жавоб бермагани аниқланди. Қарор билан лойиҳачиларга нисбатан малака сертификатини жорий этиш ва лойиҳа ташкилотлари рейтингини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари белгиланаётгани, ўз навбатида, улар томонидан экологик талабларга жавоб берадиган лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашнинг олдини олишда жуда муҳим.

Янги қарор билан экологик баҳолаш тизимига замонавий халқаро механизмларни жорий этиш атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, экологик хавфларни камайтиришга хизмат қилади. Бу жараён нафақат табиатни асраш, балки келажак авлод учун соғлом ва хавфсиз муҳит яратишда ҳам муҳим омил бўлади.

Осмон. Шу биргина сўз ортида не-не сир-синоатлар, унинг ўзи сингари сарҳадсиз саволлар, кечалари кўкка термилб юлдуз санаб ётган бола нигоҳидаги чексиз ҳайрат, бепоен кенгликлар қадар қанотлаб учган ажойиб орзулар мужассам. Бу мовий гумбазнинг тиллакор нақшлари — ситоралар туннинг қулоғига тақилган зирак — ойбаддоққа қараб ақли башар неча замонлар оша қизиқиш ва орзиқиш билан уни ўрганиш, тадқиқ қилишга интилиб келган. Айни даврга келиб эса мазкур соҳанинг тараққиёт суръатига монанд равишда ундан турли соҳа ва тармоқлар ривожини йўлида фойдаланиш имконияти ҳам тобора кенгайиб бораётир.



Коинот сари

Кўкка боқиб улғайган

Бугунги дунё тараққиёт тенденциясида иқтисодий қудрат, аввало, интеллектуал салоҳият ва технологиялар билан ўлчанмоқда. Космик технологиялар эса аллақачон бу борада стратегик аҳамиятга эга йўналишлардан бирига айланган. Мамлакатимизда ҳам космик маълумотлардан фойдаланиш бошланганига кўп бўлмаса-да, қисқа муддатда сезиларли амалий натижаларга эришилди. Давлат космик мониторингини ишга туширилиб, ушбу тизим проактив ишланмоқда. Шу билан бирга, сўнгги беш йилда масофадан зондаш маълумотларига талаб 3 баробар ошган. Ҳозир космик мониторинг билан 10 дан зиёд давлат идоралари ва барча ҳокимликлар ҳамкорликда ишлаяпти.

Космик технологиялар атроф-муҳит муҳофазаси, қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишда жуда муҳим. “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан жорий этилаётган замонавий космик мониторинг қишлоқ хўжалигида бошқарув тизимини такомиллаштириш асосий йўналиши сифатида белгиланган. Унга мувофиқ, ер ресурслари ҳолатини сунъий йўлдош орқали мониторинг қилиш, ҳосилдорликни таҳлил этиш, экологик хавфларни эрта аниқлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги жараёнларини рақамлаштириш бўйича янгилаб ёндашувлар жорий этилмоқда. Бу эса соҳада самарадорликни ошириш ва ресурслардан оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Мониторинг афзалликлари

Жорий йил 16 февраль куни Президентимиз космосга сунъий йўлдош учиратиш ҳамда биринчи ўзбек фазогирини тайёрлаш бўйича дастлабки ишлар тақдирини билан танишар экан, шу хусусда сўз юритиб, “Энг муҳими, космик маълумотлар орқали биз “кўз билан кўриб бўлмайдиган” иқтисодий имкониятларни аниқлаб, уларни реал даромад манбаига айлантирялмиш. Бу давлат ресурсларини бошқариш механизми ва маданияти ўзгараётганидан далолат”, деган эди. Бойси, космик соҳада узоқ муддатли ва барқарор миллий тизим — сунъий йўлдошларини бошқариш, маълумотларини қайта ишлаш ва улардан амалиётда фойдаланиш инфратузилмасини шакллантириш гоят муҳим вазифа. Бундан мақсад мамлакатимизнинг суверен ва объектив маълумотлар манбаига эга бўлишидир.

Ҳозиргача хорижий давлатлар тажрибасини ўрганилиб, бўлажак сунъий йўлдошнинг аниқлиги ва фойдаланиш юқламасига доир техник талаблар аниқланган. Биринчи миллий илмий сунъий йўлдошни яратиш лойиҳаси доирасида мутахассисларни тайёрлаш ва муҳандислик жамоасини шакллантириш, 2028 йилда “Мирзо Улуғбек” номи 6U форматдаги илмий сунъий йўлдошнинг учиратиш мақсад қилинган.

Кейинги йилларда соҳада жабд ўзгариш ва трансформация жараёни олиб бориляпти. Хусусан, ўтган йилдан эътиборан мамлакатимизда космик фаолиятни ривожлантириш йўналишида муҳим ҳуқуқий ва институционал ҳужжатлар қабул қилинди. “Космик фаолият тўғрисида”ги қонун ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 26 сентябрдаги “Иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик маълумотлардан фойдаланишни кенгайтириш ва қишлоқ хўжалиги қуйи бўғинида бошқарув тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони шулар жумласидан. “Космик фаолият тўғрисида”ги қонунда соҳадаги стратегик йўналишлар ҳамда давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқларидаги қонунийлик бузилиши ҳолатларини космик суратларга ишлов бериш орқали аниқлашга қўмаклашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири экани назарда тутилган. Президентимиз фармони эса космик технологияларни бевосита иқтисодиёт тармоқларига таъбиқ этишга қаратилган стратегик ҳужжатдир. Унда аэрокосмик маълумотлардан фойдаланишни кенгайтириш, айниқса,



агентлик томонидан ишлаб чиқилган 3-5-7 кунлик космик йўналишга бағишланган дастурларда қатнашиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар доирасида мактаб ўқувчилари Туркиянинг Измир шаҳрига космос ва авиацияга ихтисослашган марказларга юборилди. “3th Space Camp” дастурини шу йилга қадар 30 дан зиёд иқтидорли ўзбек ўғил-қизини иштирок этиди. Талабалар ва ёш мутахассислар ўртасида миллий “CanSat” минни сунъий йўлдош мусобақаси ўтказилиб, ёшлар 3 ой давомида онлайн ўқитилди. 400 дан ортиқ иштирокчилардан финал босқичида 9 та жамоа, 120 га яқин иштирокчи қатнашди ҳамда голиблар халқаро “ICESCO CanSat International” танловида иштирок этиш учун юборилди. Эштиборлиси, улар 54 давлат қатнашчилари орасида етакчи 5 талikka киришга муваффақ бўлди.

Халқнинг руҳи ҳам баланд

тизимлари орқали экология, геология, қишлоқ хўжалиги, ер муносабатлари, сув хўжалиги ва ўрмон хўжалиги каби соҳаларда самарали лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги ерларидега ҳосил йиғиб олингандан кейинги қолдиқларни ёқиб ҳолатларини аниқлаш бўйича сунъий йўлдош маълумотларига асосланган мониторинг тизими ишлаб чиқилган. Ушбу тизим ёқинларни узлуксиз кузатиш, тезкор аниқлаш ва тегишли ташкилотларга маълумот узатиш имконини бермоқда. Сўз исботи билан деганларидек, шу ўринда биргина мисол келтирмоқчимиз. 2024 йилда республика миқёсида бугдой ўрмидан кейин 2200 та дала ёнғини қайд этилган бўлса, 2025 йилда уларнинг атиги 130 тасида шундай ҳолат қайта кузатилган. Яъни мазкур лойиҳа орқали такрорий ёқиб ҳолатлари 94 фоиз камайди.

мониторинг қилиш имконини беради. Космик тасвирлар ёрдамида яшил ҳудудлар рақамлаштирилиб, дараклар кесилиши ёки яшил майдонлар қисқариши ҳолатлари тезкор аниқланади. Бу эса ноқонуний дарахт кесилишига қарши курашиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва яшил ҳудудларни сақлаб қолишда самара берапти. Сув ресурсларини барқарор бошқариш йўналишида ҳам илгор ечимлар жорий қилинмоқда. Космик мониторинг асосида ҳар бир қишлоқ хўжалиги майдонининг ҳақиқий сув истеъмолини аниқлаш, “виртуал сув ўлчагич” тизимини шакллантириш ва сўғориш меъёрларини оптималлаштириш имконияти яратилмоқда. Шу орқали сув тежамкорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини кучайтириш ва ҳосилдорликни прогноз қилишга эришилмоқда. Бундай инновацион ёндашувлар юртимизда рақамли технологиялар ва космик соҳани ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги дадил олға силжишдан дарак.

Халқаро ҳамкорлик

2025 йил Ўзбекистон космик соҳаси учун тарихий йил сифатида қайд этилди. Айнан шу йилда “Ўзбеккосмос” агентлиги ташаббус билан мамлакатимиз “Халқаро аэрокосмик конгресси — IAC 2023” мезбобинини қўлга киритди. Бу мамлакатимизнинг халқаро имижини нуқтаи назаридан ҳам йилнинг энг муҳим воқеаларидан. 2028 йилда ушбу нуфузли конгресс Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган. Тарихий мерос ва замонавий инфратузилма уйғунлашган мазкур шаҳар глобал космик ҳамжамият учун муҳим учрашув нуқтасига айланади. Шунингдек, Хитой миллий аэрокосмик администрацияси (CNSA), Корея аэрокосмик администрацияси (KASA) ва “Star Vision” (Хитой) компанияси билан аниқлашган меморандумлари имзоланди. Космик таълим йўналишида Хитой Фаһлар академияси хузуридаги Аэрокосмик ахборот тадқиқот институти, Кюсю технология институти (Япония), Турин политехника университети (Италия), Токио университети (Япония) билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Космик фаолиятга қизиқишини ошириш мақсадида халқаро космик ҳафталик доирасида “Nasa Space Apps Challenge” ҳафтаини, “Unisat 3.0” лойиҳаси ҳамда “Space Fest” тадбирлари ташкил этилиб, 2000 дан зиёд ёш ушбу тадбирларда иштирок этиди. Талабалар ва ёш олимлар ўртасида инновацион гояларини ривожлантириш мақсадида ўтган йилги “Ёш муҳандис” танлови Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилиб, 500 иштирокчи ва 80 та жамоа қатнашди. 9 жамоа эса совринли ўринларни эгаллади.

2026 йилда танлов республикамизнинг 5 та вилоятида ўтказилди. Худудларда иқтидорли ёшларнинг лойиҳаларини тақдим қилиши учун майдон яратилиб, унда 1600 дан зиёд лойиҳа тақдим этилди. Тошкент шаҳрида ўтган танловнинг финал босқичида 250 иштирокчи ўз ишланмалари билан қатнашиб, улар орасидан энг илгор жамоа Туркияда жойлашган космик лагерьга йўланма ютиб олди.

Ўзимизнинг биринчи фазогир ва илк сунъий йўлдош

Давлатимиз раҳбари хузурида ўтган тақдимот доирасида биринчи ўзбек фазогирини тайёрлаш масаласи илгари сурилди. Дастлабки тақдирларга кўра, 10-14 кунлик парвозга тайёрларлик кўриш режалаштирилмоқда. Бу борада халқаро ҳамкорлик истиқболлари, жумладан, етакчи космик агентликлар билан ҳамкорлик форматлари кўриб чиқилляпти. Космонавтни фазога учиратиш аниқ илмий дастурини амалга ошириш билан узвий боғлиқ, Ўзбекистон космонавти фазода бўлиши доирасида ўтказилиши мумкин бўлган тадқиқотлар йўналиши сифатида табиёт ва биология (масофавий таълим қўйиш, маҳаллий доривор экстрактлар самарадорлигини

Инсоният тарихига синчиклаб назар солинса, ҳар қандай юксалиш пиллавосининг муқаддимасида инсониятнинг осмон қадар чегарасиз, сарҳадсиз ва поёнсиз тасаввур олами турши, барча ихтиро оламшумул ютуқлар унинг ҳўхласи эканини англаш қийин эмас. Кеча эртақдек туулган ҳўхсалар бугун қўндалик ҳаётимизнинг бир бўлагига айлиниб улгургани ҳам одамзодга инъом этилган ана шу қўтулғ неъматнинг энг буюк мўъжизаларидан. Алалхусус, бир пайтлар мунажжамлар нигоҳи қадалган олис самолар энди илм-фан, тафаккур ва технология тараққиёт самарасида инсоният қадами етган. Улар орасидан Ўзбекистон деган қадим юртнинг фуқароси, навқирон авлоди ҳам ўрин олади-ган кўнлар яқин.

Кўкка боқиб улғайган халқнинг руҳи ҳаммиша баланд бўлади. Чунки осмон кенглик демек. Унда озоқ қушлар каби кенг қанот ёзиб парвоз этиш, юксаклардан туриб лозичи каби ўткир нигоҳ билан бутун манзарани аниқ илғаш мумкин. Шундай қилиб, бундай дунёқараш инсонни тор фикрлашдан қутқаради. Унда олижаноблик, кенглик туйғусини пайдо қилади. Яъни юлдузлар сари йўл олган тафаккур майда манфаатлар гирдобига қолиб кетмайди.

Мирзо Улуғбек юлдузларни кузатган заминдан бугун янги авлоднинг фазога қараб дадил одимлаётгани ўзида чучур рамзий маъно ташийтгандек гўё. Асрий силсила, қондан қонга, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган мана шу маърифат ёғдуси қўнглимиз осмонни бамисли офтоб каби мангу ёритиб турса не тон! Энг муҳими, тафаккур уйғоқ, илмга чанқоқлик сўнмас экан, мовий кенглик ҳаммиша инсониятнинг ўзига қорлайверади. Ана шундай интилиш бор экан, Ватан, халқ ҳаммиша юксаклик сари ҳаракатда бўлаверади.

Аслидин АБДУРАЗЗОҚОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ибрат

Республика миқёсида ўтказиб келинаётган “Энг фаол ижтимоий ҳодим” танлови соҳада фидокорона меҳнат қилаётган мутахассисларни муносиб эътироф этиш, илгор тажрибаларни оммалаштириш ҳамда жамият эътиборини инсон кадрини таъминлаш масалаларига қаратишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Танлов голиблари нафақат ўз касбининг етуқ вакиллари, балки меҳр, масъулият ва садоқат тимсоли сифатида ҳам эътироф этилади.

Фаол бўлиш учун қандай ишлаш лозим?

— 2024 йилдан ижтимоий ҳодим лавозимида ишлаб келялман. Бу вазифа менга, аввало, шарафли, машаққатли, шу билан бирга савобли йўлда эканимни англатди. Фаолиятим давомида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқаролар билан ишлайман. Уларнинг муаммолари, қизиқишлари ва интилишларидан келиб чиқиб, жамиятга ўз ўрнини топишига қўмаклашаман, — дейди 1-ўрин соҳибни жиззахлик Нафиса Пўлатова. — Маҳалламиздаги Саидабону заиф эшиттувчилар махсус мактаб-интернатининг 1-синфига борар эди. Отаси 3 йил олдин вафот этган, онаси тивувчилик билан шугулланади, онаида ундан ташқари яна 3 фарзанд бор. Саидабону билан онасининг ёрдамида суҳбатлашганимда у ҳам соғлом болалар каби ҳар кунни оила даврасида бўлишни хоҳлашини айтиди. Интернетда ётиб қолиш, дам олиш кунларидагина уйга боришдан безиб қолган экан. Шундан сўнг онасига мактабда инклюзив таълим йўлга қўйилгани ҳақида гапириб, Саидабонунини яшаш ҳудудида яқин, ака-опалари таълим олаётган мактабда инклюзив таълимга жалб қилдим. Унга эшитиш соғломаси берилди. Энди у мактабга ўзи хоҳлаб борапти, эшитиш қобилияти ҳам тикланмоқда. “Маҳалла еттичилиги” билан бирга бу оиланинг турмуш даражасини яхшилашга ҳам эришдик. Онасига субсидия асосида тивув машинаси берилди. Катта фарзандлари ҳам фан ва спорт тўғрақларида жалб қилинди. Саидабонунини эса қизиқишига кўра, рақс тўғрағига йўналтирдик.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Нафиса Пўлатованинг ютуғи шундаки, у чиндан ҳам бошқалардан кўпроқ меҳнат қилган ва қўлаб оилаларнинг ижтимоийлашувига эришган. Жумладан, у сабаб “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида маҳалладаги 2 фуқаро табиий ижтимоий реабилитация хизматларига жалб қилинди. Ногиронлиги бўлган 8 киши адаптив спортга йўналтирилди. Алоҳида таълимга эҳтиёжманд, ногиронлиги бор 2 бола илк бор инклюзив таълимга жалб қилинди. Бир нафар етим бола имтиёзли асосда тўғарақларга борапти. Ногиронлиги бўлган 4 шахснинг бандлиги таъминланди. Таълим ва зўравонликка учраган 3 аёл ҳамда фарзандларига ҳимоя ордери олиш, бирламчи кўмак хоналари ва аёлларни реабилитация қилиш марказидан фойдаланишда қўмаклашди.

Аёллар ҳуқуқлари ҳимоячиси

— Бир оилага борганимда она ва қизи жуда тушун аҳволда эди, — дейди самарқандлик ижтимоий ҳодим, “Аёллар ҳуқуқлари ҳимоячиси” йўналиши голиби Лобархон Шаптақова. — Қизга нисбатан ўғай отаси зўравонлик қилган. Биринчи навбатда, зўравонни бу оилага яқинлаштирилмасликка киришдик. Бу ишга “маҳалла еттичилиги”дан профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли, қолаверса, кўчабошилар, нуруонлини жалб этдим. Қўшнилари ҳам чакирдик. Қизга ҳимоя ордери берилди. Зўравонга эса

Бола назоратсиз қолмасин

Маҳалласида 1170 оила мавжуд бўлган навоийлик ижтимоий ҳодим Ойша Қаримова “Энг янги болалар ҳимоячиси” деб топилди. У ижтимоий реестрда турадиган 105 оила билан ишлайди. Турли мавзудаги мурожаатлар, хонадонларни ўрганиш учун индивидуал ишлашдан ташқари ижтимоий реестрдагилар, васийлик ва ҳомийликка олинган болалар билан ҳам шугулланиши

керак. Бундан ташқари, ҳафтада 3 марта ногиронлиги бўлган фуқароларнинг фарзандларига инглиз тилидан дарс бериб келяпти. Ундан фаолиятидаги энг таъсирли воқеалар ҳақида сўраганимида 17 йил давомида қадрсизланган қизининг ҳуқуқини тиклаш йўлидаги ҳаракатини алоҳида эсга олди. Қиз 17 ёшига қадар таълимдан тўлиқ четда қолган, шахсини тасдиқловчи бирон-бир ҳужжати йўқ. Энг ачинарлиси, ота-онаси ҳам уни фарзанд сифатида қабул қилмаган. Шунинг учун қиз бувисининг қўлида васийлик ёки ҳомийлик белгиланган ҳолда яшаб келган. Яна бир ҳолатда ота-она 6 ёшли қизини ва 8 ойлик чақалоқини оғир шароитда, яшаш имконияти мавжуд бўлмаган жойга ташлаб кетган. Болада руҳий эмоционал ҳолат кучли экани аниқланган. У билан 7 ой давомида ишлаб, васийлик белгиланган. Психологик хизмат кўрсатиш, мактабга тайёрлов гуруҳига жалб қилинган.

— Мана шундай воқеалар сабаб асосий эътиборни болалар билан ишлашга қаратганман, — дейди фидойи ҳодим. — Чунки қаровсиз, назоратсиз қолдириб кетилган бола аламзада бўлиб ўсади. Имкон қадар назоратсиз, руҳи қўнкан болаларнинг ижтимоийлашувига ва шахс сифатида эътироф этилишига сабаби бўлаётганимдан хурсандиман. Маҳаллаларда ижтимоий ҳодим учун штат бирилиги ажратилиб, уларга қанчадан қанча маблағ йўналтирилаётганининг ўзи инсон кадрини улугулаш, аслад.

Қаҳрамонларимизнинг ҳар бири эътирофга, эътиборга муносиб. Биз уларнинг ҳаммаси ҳақида бир мақолада ҳикоя қила олмадик. Бирок биргина фаол, фидойи ҳодимнинг ютуғи ҳам бошқаларни ҳаракатга келтириши, барчага илҳом манбаи бўлиши мумкин.

Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



ҚИШЛОҚДАГИ ОБОДЛИКДАН КЎНГИЛ ЧАРОҒОН

Холмурод САЛИМОВ,
журналист

Тошкентдан Навоий вилоятининг Хатирчи тумани сари борар эканмиз, автоулов ойнасидан улкан бунёдкорлик, ободончилик ишларию гўзал манзараларга кўзим тушиб, қалбим фахр-ифтихорга тўлади, ўзимни енгил хис қиламан. Шундай кайфият билан қишлоғимиз Исломободга — ўзим туғилиб ўсган хонадонга кириб борганимизда шом тушиб қолганди. Уйдагилар билан салом-алиқдан сўнг дастурхон ёзилиб, кечки овқат тортилди. Эртаси куни сахарда ширчой ва донғи кетган Хатирчи патири билан нонушта қилдик.



Анча йилдан бунён қишлоғимга бунча муддатга бормаган эдим. Одатга кўра, аввал таъзияли хонадонларга кирдик, қариндошларни йўқлаб, тўй-маъракаларда иштирок этдик. Бу жараёнлар қадрдон қишлоқдошлар билан дилдан мулоқот қилиш, уларнинг кайфияти ва руҳиятини яқиндан билиш имкониятидир.

...Қишлоғимизнинг энг ёши улуг одами Зиёд бобони эсимни таниганимдан бунён билан. Ёши 90 дан ошган бўлса-да, бардам ва бақувват. Отахонни суҳбатга тортаман. — Очиги, шунча йил яшаб, бундай дориланом кунларни кўрмаган эдик, — дейди Зиёд бобо Холмўминов. — Замон шу қадар тез ривожланиб, аҳолига катта қўлайликлар яратадиган бундай ўзгаришлар бўлишини тасаввур ҳам қилмаганмиз. Балаидларвроз гап эмас, чиндан ҳам Исломободимиз обод бўлди. Яратилган имкониятларни, улардан баҳраманд бўлаётган фарзандларим, нева-р-чеварларимнинг бахту камолини кўриб қувонаман. Бу менга янада тетиклик бағишлади, ёшарданке бўлман. Албатта, бу неъматлар, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва фаровонлик ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Ҳозирги таҳликали замонда осиё-ишталаниш таъминлаш, қарийб 40 миллионга яқинлашадиган юртдошимизни рози қилиш осон эмас. Шу маънода, ислохотлар ўз самарасини бераётганидан, ўзгариш ва янгиланишлар чекка ҳудудларда, жумладан, қишлоғимизда ҳам бўй кўрсатаётганидан суюнаман.

Анча вақт давом этган мулоқотда Зиёд бобо қишлоғимизнинг пайдо бўлиш тарихидан тортиб, бугунги кунгача бўлган ривожланиш босқичлари ҳақида сўзлаб берди. У авваллари бу ерда ҳамма бир-бирини яхши таниганини, йилга бир марта сумалак тайёрланганини, Наврўзи каби турли байрам тадбирларида бутун қишлоқ аҳли жам бўлиб иштирок этганини эста олди. Ўзим дунёга келиб вояга етган манзил-мақомнинг ўтмишига доир бу каби тарихий жараёнлардан янада кўпроқ хабардор бўлиш мен учун жуда қизиқ.

Исломободнинг бундан ўн йил олдинги ҳолати ўша даврда бу ердаги одамларнинг яшаш тарзи қандай бўлганини яхши биланман. У пайтлардаги ҳолати билан ҳозирги кўриниши ўртасидаги фарқ ер билан осмонча. Одамларнинг турмуши ва дунёқароши ҳам аввалгидан тубдан фарқ қилади. 2015 йилларда қишлоқда қарийб 500 оила истиқомат қилган бўлса, бугунга келиб 600 дан ошган.

Илгари қишлоқда болалар таълим-тарбияси, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, ички йўллар таъмири, аҳоли бандлиги, ичимлик сув, табиий газ ҳамда электр энергияси таъминоти бўйича ечими катта маблаг ва машаққатли меҳнат талаб қиладиган қатор жиддий муаммолар юзага келган эди.

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар йиллар давомида йиғилиб қолган камчиликларни бирин-кетин бартараф этиш имконини берди.

— Яқин йилларга Исломободда бирорта ҳам болалар боғчаси йўқ эди, ҳозир эса еттигаси ишлаб турибди, — дейди қишлоқдошимиз Иқобат Норматова. — Ўз фарзандларимдан қиёлайман: боғчага борган, кичик бўлса-да, жамоани кўрган кичкинтойлар барбир бошқача бўларкан — уларнинг ақлий



ривожланиши ҳар томонлама яхши кечди. Қолаверса, бу биз каби уй бекаларининг ишлаши учун ҳам шароит яратди. Шукрки, бугун шундай имкониятга эгамиз. Бундан фойдаланиб, уйимизга яқин тиббиёт муассасасида ишлаётганимдан, шу орқали жамиятимиз равақига ва оиламиз фаровонлигига хисса қўшаётганимдан мамнунман.

Иқобат каби қишлоқдош опа-сингиллар, ака-укалар, отахон оналар билан мулоқотда бўлар эканман, уларнинг бугунги кундан ва ўз ҳаётидан рози эканини чиндан ҳам хис қилдим.

“Мен тенгиларнинг қарийб барчаси 5-8 нафардан фарзанд кўрган (у пайтлар шундай эди) ва уларнинг ҳаммаси кетма-кет вояга етди, — дейди ёши етмишдан ошган қишлоқ оқсоқоли Пардабой Ўралов. — Шулар қаторида менинг ҳам тўрт ўғил ва икки қизим улғайди. Тўғриси, бундан ўн йиллар олдин катта ҳаётга қадам қўйган кўп сонли ёшларимизни касб-хўнарга йўналтириш ёки олий ўқув юртида ўқитиш, иш билан таъминлаш ҳамда уй-жойли қилиш масалалари кўпчилик сингари мени ҳам жиддий ўйга толдирарди. Бу ҳолат, яъни



соҳа ва тармоқларда пайдо бўлган қатор камчиликлар катта муаммоларни юзага келтирди.

Шундай паллада Президентимиз раҳбарлигида юртимизда катта ислохотларга киришилди. Натигада биз каби қишлоқ одамларининг ҳаётга, эртанги кунга ишончи ошиб борди. Йигит-қизларимиз учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилди. Бугун ёшлар хунарли, иш билан банд, оила ҳаётда ўз ўрнини топиб бормоқда дейишга етарлича асосларимиз бор. Қишлоғимизда қурилган юзга яқин намунавий уйга ёш оилалар кўчиб кирди.

Навқирон авлодининг халқаро майдонда эришадиган ютуқларини ўзингиз ҳам кўриб турибсиз. Оданин суюнтирадиган бу каби ишлар замирида келажакни олдиндан кўра билувчи, элу юрт тинчлиги учун жонини беришга-да тайёр бўлганларнинг улкан сазй-ҳаракатлари етибди.

Қишлоғимиздаги янгидан барпо этилган 27-мактаб бугун ўз бағрига 500 га яқин ўқувчини олган. Барча зарур шарт-шароитлар яратилган ушбу таълим даргоҳида қарийб 10 минг китоб фондига эга кутубхона мавжуд бўлиб, мазкур зиё маскани имкониятларидан қишлоқ аҳли ҳам кенг фойдаланаётган.

Муассасада таълим сифати ва самардорлигига эътибор кучайтирилган, олий

ва юқори тоифали ўқитувчилар сафи кенгаймоқда. Бу ишлар ўз самарасини бериб, мактабни 2022-2025 йилларда битирган 50 га яқин йигит-қиз мамлакатимиз ва чет эл олий ўқув юртига талабалари сафига қўшилди. Мактабда бўлиб, ўқувчиларнинг хорижий тилларни ўрганиши, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект бўйича билим ҳамда малакаларини ошириши, шунингдек, турли спорт турлари билан шугулланиши учун кенг шароитлар яратилганига бевосита гувоҳ бўлдим.

Маҳалла раиси Салоҳиддин Ортиқовнинг таъкидлашича, уч йил аввал қишлоқ тоза ичимлик сув билан тўлик таъминланган эди. Бугун эса қарийб 12 минг метр узунликда қувур тортилиши натижасида ҳар бир хонадонга талаб даражасидаги обиҳаёт кириб борди.

Электр энергияси ва табиий газ таъминоти бўйича ҳам шундай илқ фикрларни айтиш мумкин. Кичик газ тақсимлаш пунктлари оптималлаштирилиб, замонавий тизимга ўтказилгани ресурс йўқотишларининг олдини олмақда ва аҳолига қишда ҳам меъёрида газ етказиб бериш имконини яратмоқда. Бу ердаги мактаб ва бир қанча хонадонларда

қуёш батареяларидан фойдаланилаётгани, яроқчилик мuddати ўтган симёғоч ва трансформаторлар янгиланаётгани ушбу йўналишдаги муаммоларга самарали ечим бўлмоқда.

Бугунги кунда интернетсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Замон билан ҳамнафас Исломобод қишлоғида ҳам тезкор ва сифатли интернет кириб бормаган хонадон даярли йўқ ҳисоби.

У ёки бу сабаб билан қишлоқ бўйлаб мен кирмаган кўча қолмади десам ҳам бўлади. Ростки, кейинги 10 йил ичида бу ерда рўй берган ўзгариш ва янгиланишларни кўриб юрак яшнайди. Болалигимизда қишда юриб бўлмайдиган лой ва қўлмакка, ёзда эса чанг-тупроққа айланган ички йўлларнинг қарийб 90 фоизи асфальтланганидан хурсанд бўлмаслигининг иложи йўқ. Илгарилари кечаси юришга одам сесканидиган бу манзилларга чироқлар ўрнатилгани нафақат худудни чароғон қилмоқда, балки кўнгиллари ҳам равшанлаштирмоқда.

Тегишли дастур асосида қишлоқ четидан ўтган зовур бетонлаштирилиб, унга туташ жойларнинг гулзорга айлантирилгани таҳсинга лойик. Умуман олганда, тозалик ва озодликка, гўзалликка интилиш кучайгани, одамларда ўз хонадонни атрофи ва кўча бўйларига меваги ҳамда манзарали дарахтарлар, турфа гуллар екишга, бир сўз билан айтганда, яшил худудларни кенгайтиришга бўлган иштиёқ ошиб бораётгани эътиборга молик.

Бир пайтлар фақат қишлоғимиз қоқ ўртасидан ўтиб, Навоий шаҳрига элтуви асосий йўлга асфальтланган эди. Аммо унинг торлиги ва пивдалар учун махсус йўлақлар йўқлиги сабабли кўйлаб ноқулайликларга дуч келардик. Кейинги йилларда мазкур йўл кенгайтирилиб, унинг икки четига махсус белги ва чироқлар ўрнатилди, шунингдек, йўл ҳаракати тартибга солинди.

Қишлоқдан туман маркази ва Навоий шаҳрига элтуви мазкур асосий йўл, шунингдек, ички кўчаларнинг талаб даражасига келтирилгани бу ерда тадбиркорликнинг барча турлари кенг ривожланишига кучли туртки берди. Ўн йилча олдин Исломободда бирорта ҳам маийш хизмат кўрсатиш шохбаси, сартарошхона ёки новвойхона бўлмаган. Эсимда, уй-рўзгор учун зарур махсулотларни харид қилиш мақсадида кўпчилик қатори туман марказига бориб келар эдик. Ҳозир эса ўндан ортқ савдо дўкони, бир нечта автосервис ва автомобиль ювиш шохбачалари, такси хизмати, эшик-ром ва турли махсулотлар ишлаб чиқариш устaxonалари, иккита сартарошхона, новвойхона ҳамда битта умумий овқатланиш маскани ишламоқда. Бунинг натижасида кўйлаб маҳаллий аҳоли вакиллари доимий иш ўрни ва барқарор даромадга эга бўлди.


— 2016 йилларда қишлоғимизда бор-йўғи 2 та хонадонда иссиқхона бўларди, — дейди ҳамқишлоғим Шамши Бекназаров. — Ҳозир эса шу иш билан шугулланаётган тадбиркорларимиз сони 83 тага етган. Бу эса шунча оила иш билан таъминланганини ва яхши даромад топаётганини аналтади. Ишбилармонларимиз сони кўпайиб, аҳоли фаровонлиги ошиб бораётгани, одамларимизнинг боқимандалик кайфиятидан чиқиб, давлатимиз томонидан яратиб берилган имконият ва имтиёزلардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаётгани эътиборга молик.

Бугун мамлакатимизда бўлгани каби бу ерда ҳам аҳоли саломатлигини сақлаш ва тиббий хизмат сифатини оширишга жиддий эътибор қаратилляпти. Қишлоқ врачлик пункти биноси реконструкция қилиниб, моддий-техник базаси мустаҳкамлангани, бундан ташқари, аҳолининг талаб ва тақлифларига биноан илгариги 100 ўринли масжиднинг 350 ўринга кенгайтирилгани исломободликлар учун катта қўлайлик.

Ҳа, бугун Исломободда аҳолининг барча эҳтиёжлари учун яратилган шарт-шароитлар ва қўлайликларни кўриб, бу ерни қишлоқ дегингиз келмайди. Унинг шаҳардан ҳеч қандайдиган жойи йўқ. Таъкидлаш жоизки, бундай кен қўламли ишлар нафақат Хатирчи тумани ёки Навоий вилоятдаги маҳалаларда, балки инсон қадри улугланаётган бугун мамлакатимизда, жонанжон Ўзбекистонимизнинг барча қишлоқларида кен қўлоқ ёзмоқда.



РАҚИБЛАР, ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!



Ифтихор МАЙДОНДА ОСИЁНИНГ ЭНГ ҚИММАТ ФУТБОЛЧИСИ

Шу кунларда дунёдаги энг нуфузли ва етакчи нашрлар саҳифаларида ўзбек спортининг ютуқ ва натижалари таҳлилига бағишланган мақолалар тез-тез чоп этилаётир. Бу бежиз эмас. Зотан, сўнгги йилларда юртимизда спорт соҳасидаги ислохотлар авж паллага кирди. Давлат дастурларида белгиланган аниқ ва мақсадли йўналишлар орқали спорт нафақат соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, балки мамлакатимиз нуфузини халқаро майдонда юксалтирадиган муҳим жабҳага айланди.

Жалолдин Машарипов эса Роналду “Ан-Наср”га келган пайтда португалиялик футболчининг сеvimли 7-рақамини унга бўшатиб берган. Роналду ва Машарипов бирга ўйнаб, анча дўстлашиб қолганини ҳам ўзбек мухлислари яхши билади”, дейилади мақолада.

Бугун ҳаммамизнинг нигоҳимиз илк бор жаҳон чемпионати йўланмасини қўлга киритган миллий терма жамоамиз ўйинларида қартилган. Кўп миллионли халқимиз билан бирга хориждаги таниқли ва йирик мутахассислар келажакки порлоқ сафида қатор халқаро миқёсдаги юлдузлар жам бўлган жамоамиздан яхши натижалар кутяпти.

Ҳа, номдор спорт нашрлари ва интернет тармоқлари учрашув санасига оз вақт қолгани сайин Роналду ва Хусанов қарама-қаршилиги қандай бўлиши юзасидан баҳс-мунозараларни қиздиришдан чарчамапти. Жумладан, The

Элдор Шомуродов, Аббосбек Файзуллаев, Абдуқодир Хусанов ва бошқа умидли ўйинчилар иштирокидаги баҳсларга қизиқиш катта. Агар эринмай дунё хабарларини кузатсангиз, бунга амин бўласиз.



Элдор Шомуродов, Аббосбек Файзуллаев, Абдуқодир Хусанов ва бошқа умидли ўйинчилар иштирокидаги баҳсларга қизиқиш катта. Агар эринмай дунё хабарларини кузатсангиз, бунга амин бўласиз.

“Хусанов “Манчестер Сити”даги жамоадорлари Рубен Дияш, Матеуш Нуньеш ва Бернард Силвага қарши ҳам ўйнашига тўғри келади. Қолаверса, Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида Криштиану Роналду жуда яхши танийдиган ўйинчилар ҳам бор. Хусусан, 40 ёшли юлдуз “Ювентус” шарафини ҳимоя қилган даврда Элдор Шомуродовга қарши ўйнаган.

“Жаҳон футболда энг кўп гол урган Португалия афсонаси Криштиану Роналду ва ўзбекистонликларнинг асосий юлдузи Абдуқодир Хусанов ўртасидаги тўқнашувни тасаввур қилиб кўринг. Бўлажак баҳсада улар позиция жиҳатдан тез-тез бир-бирига қарши ҳаракат қилади: Криштиану ҳужум марказида, Абдуқодир эса ҳимоя чизиги ўртасида ўйнайди”, деб ёзади Зоғистоннинг sport.kz нашри.

Athletic спорт нашри Абдуқодир Хусановни ўзбек футболчининг Роналдуси деб атади ва уни дунёнинг кучли 100 футболчиси рўйхатига киритди.

“Хусанов “Манчестер Сити”даги жамоадорлари Рубен Дияш, Матеуш Нуньеш ва Бернард Силвага қарши ҳам ўйнашига тўғри келади. Қолаверса, Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида Криштиану Роналду жуда яхши танийдиган ўйинчилар ҳам бор. Хусусан, 40 ёшли юлдуз “Ювентус” шарафини ҳимоя қилган даврда Элдор Шомуродовга қарши ўйнаган.

“Криштиану Роналду фаолиятидаги олтинчи жаҳон чемпионатида иштирок этади. Гуруҳнинг саралаш баҳсларида Португалия ва Ўзбекистон терма жамоаларининг юзма-юз келиши Хусанов ва Роналдунинг бевосита майдонда рақиб бўлишини аналтади”, дейилади нашр саҳифасида.



The Athletic нашри мақоласида келтирилишича, жаҳон биринчилигида яхши натижалар кўрсатишга бел болаган Ўзбекистон терма жамоасининг “Манчестер Сити”даги 22 ёшли марказий ҳимоячисидан умиди катта.

Қолаверса, Transfermarkt портали куни кеча АПЛдаги футболчиларнинг янгиланган нарҳини эълон қилди. Унга кўра, футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ва “Манчестер Сити” ҳимоячиси Абдуқодир Хусановнинг трансфер нарҳи 15 миллион еврога кўтарилди, 50 миллион еврога етди. Охириги пайтлардаги Абдуқодирнинг ўйинидаги ўсиши унинг трансфер нарҳига ҳам таъсир қилди.

Шу тарихи Абдуқодир китъанин энг қимматбaho футболчиси ҳамда Англия премьер-лигасидаги энг қиммат осийлик вакилга айланди. Энди ана шу мустаҳкам ҳимоя девори соҳиб бўлиши кучли жамоадорлари сафида дунё нигоҳи қадалган яшил майдонларга тушади.

Рақиблар, эҳтиёт бўлинг!

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ

Бош муҳаррир:
Салим Дониёров

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси**

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган тақинлот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-646.

30166 нусxada босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Одсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳиш: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 03:35 Топширилди — 03:40